БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 106. (2139).

30 МАЙ ЧОРШАНБА 1962 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ

ИТАЛИЯ ФИРМАЛАРИ МОСКВАДАГИ ВИСТАВКАСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА 1962 ЙИЛ 28 МАЙДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Виставканинг очилиш маросими кун тартибида кўзда тутилмаган бўлса ҳам, нутқ сўзлашга Сиздан сўз сўраб олганлигим учун, жаноб элчи, мени кечиришингизни сўрайман. Сизнинг нутқингизни ҳамда Москвадаги шу виставкага ўз маҳсулотларини юборган Италиядаги олтмишта фирманинг вакили «Новасидер» жамиятининг бош директори жаноб Саворетти-нинг нутқини, СССР ташқи савдо министри ўртоқ Патоличевнинг сўзини эшитганимдан кейин менда ҳам шу виставка муносабати билан ўз фикрларимни билдириш иштиёқи пайдо бўлди.

Аввало, мана шу виставкада қатнашаётганликлари учун Италиянинг савдо-саноат доираларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этишга рухсат бергайсиз. Бу виставка Италия ҳукумати томонидан уюштирилган давлат виставкаси бўлмай, Италия фирмаларининг виставкаси. Италиянинг савдо-саноат аҳли, корхона эгалари уюштирган виставкадир. Биз шу нарсани айниқса мамнун бўлиб қайд қиламизки, Италиядаги савдо-саноат доираларининг кўпгина намояндалари мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий муносабатларнинг яхшиланишига реалистик назар билан қарамоқдалар ва улар ўзларининг маҳсулотларини Москвада кўрсатмоқ учун ушбу виставкани ташкил қилиш вақтида ана шундай реалистлик кўрсатдилар. Бу нарса жаҳонда таркиб топган шароитларни улар тушуниб олганликларидан, борингки, уларнинг довюраклиги ва узоқни кўра билишидан далолат беради. (Қарсаклар). Мана шу сабабли биз сизларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Биз шу нарсани ҳам мамнуният билан қайд қиламизки, 1953 йилдан 1961 йилгача Совет Иттифоқи билан Италия ўртасидаги савдо оборoти саккиз баравардан зиёдроқ кўпайди, мана шу виставкада қатнашаётган фирмалар билан савдо-сотиқ ишларининг ҳажми эса, ўн баравар кўпайди. Савдо-сотиқ — мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш учун керакли нарса. Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг яхшиланиши эса, — одамларнинг айни муддаосидир. Бизга маълум бўлишича, Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш бир ёқда турсин, бу ишларни йиғиштириб қўйинг, деб Италия саноатчиларига тазйиқ ўтказиб келинган бир шароитларда савдо-сотиқ алоқалари ана шундай кўламда кенгайтирилди. Италия саноатчилари бу тазйиққа сўз бермадилар. (Қарсаклар).

Бу — оқилона ишдир. Ана шуларнинг ҳаммаси мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ёрдам беради ҳамда тинчлик ишини мустаҳкамлайди, бундан ҳамма одамлар манфаатдордирлар.

Албатта, нарсаларга реалистик назар билан қараш ҳамда бу ерда гап коммунистларнинг ёки капиталистларнинг олий ҳимматлилигида эмаслигини, балки мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ — ўзаро манфаатли бир иш эканлигини тушуниб олиш керак. Агарда Италиянинг савдо-саноат аҳли биз билан савдо-сотиқ юргизиб, бизга керакли яхши машиналарни етказиб бераётган экан, буни коммунистларнинг шаҳло кўзига шайдо бўлганликлари туфайли қилаётганликлари йўқ, балки бу нарса ўзлари учун манфаатли бўлгани туфайли қилмоқдалар. Биз ҳам Италия ишчилари капиталистларга қарашли корхоналарда ишлаб чиқараётган яхши товарларни, яхши машиналарни сотиб олар эканмиз, албатта, буни Италияда капитализмни қувватлаш мақсадида қилаётганимиз йўқ. Шунингдек Италия капиталистлари бизга ўз машиналарини сотар эканлар, буни коммунистик ҳаракатни ва халқаро коммунизмнинг раҳбари ҳисобланган Совет Иттифоқини қувватлаш мақсадида қилаётганлари йўқ.

Пўқ, бунда вужудга келган шароитларни реал ҳисобга олган ҳолда иш тутилмоқда. Жаҳонда социалистик мамлакатлар ва капиталистик мамлакатлар бор. Ана шу мамлакатлар битта планетада яшамоқдалар. Биз бу мамлакатлар ўртасида нормал савдо-сотиқ муносабатлари, илмий ва маданий алоқалар ривожланишининг, ўзаро манфаатли битимлар тузилишининг ва шу орқали биз тинч-тотув яшаш деб атаган нарса мустаҳкамланишининг тарафдоримиз. (Қарсаклар).

Ашаддий антикоммунистлар Совет Иттифоқи билан савдо қилиб бўлмайди, бундай савдо-сотиқ коммунизмга мадад беради, социалистик мамлакатларда техника ва фаннинг ривожланишига ёрдам беради, деб даъво қилмоқдалар. Аммо бундай фикрларнинг тентаклиқдан бошқа ғарса эмаслиги эндиликда космос баландликларидан яққол кўриниб турибди. Ахир, Ғарб мамлакатларининг муайян доиралари бизнинг мамлакатимизга нисбатан савдо-сотиқ ишларида ҳар хил тақиқлаш чораларини амалга ошириб келаётганликларига қарамай, совет кишилари космосга капиталистик дунё вакилларидан илгари чиқиб олдилар. Бинобарин, капиталистик мамлакатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги савдо-сотиқ ишларини йўқ қилиб юборишга уринган кишиларнинг шармандаси чиқди, биз эса, космосга парвоз қилиб, космосни тадқиқ қилишда биринчиликни қўлдан бермай келаётирмиз. АҚШнинг ҳам ҳозир иккита космонавти бор, аммо бизнинг Юрий Гагаринимиз одамлар орасидан биринчи бўлиб космосга чиқди. Герман Титовимиз эса, Ер теварагида 17 марта, яъни ҳар қандай бошқа одамдан ҳам кўра кўпроқ учиб айланди.

Мен Америка космонавти Малколм Скотт Карпентерни айниқса шунинг учун табриклайманки, у ҳақиқатан ҳам зўр довюраклик кўрсатди. Башарти, у ана шундай довюраклик қилмаганида, ўзи тушган космик кемада жизғанак бўлиши турган гап эди. Матбуотда хабар қилинишича, кўпроқ сув ичабергин ва кабинада қўтарилиб кетган юксак ҳароратнинг таъсирини шу йўл билан бўшаштиргин, деб Ердан туриб унга маслаҳат бериша бошлабди. Мен шунга хурсандманки, ана шу довюрак киши мушкул аҳволдан қутулиш чорасини топиб, ўз парвозини омон-эсон нихоясига етказди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Комсомолга партия раҳбарлигини яхшилайлик

Қалби ўт, ғайрати ҳамиша жўш уриб турадиган миллионлаб ёшларимиз бутун совет халқи билан бир сафда туриб, улуғ мақсад йўлида завқ-шавқ билан меҳнат қилмоқдалар. Ёшларимиз, даставвал унинг жанговар, илғор отряди бўлган комсомоллар коммунизм қурилиши кенг авж олдириб юборилган ҳозирги пайтда чинакамига қаҳрамонлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Мамлакатимиз ёшлари, дегандек, ўртоқ Н. С. Хрушчев, ҳамма ҳавас қилса арзийдиган ажойиб ёшлардир.

Ҳа, ижодий куч-ғайратга тўлиб-тошган, ўз она-Ватанига, халқига беминҳоя содиқ, буюк революцион традицияларнинг муносиб ворислари бўлган, доимо олға интилиш шиори билан яшаётган ва меҳнат қилаётган ёшларимиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ленинчи комсомол шонли партиямизнинг кундалик раҳбарлиги ва унинг оталарча ғамхўрлиги туфайли мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва маданий қаётида тобора катта роль ўйнамоқда.

Партиямизнинг XXII съезди бутун совет халқи олдида, шу жумладан ёшларимиз олдида ажойиб истиқбол эшигини очиб берди, ҳамма учун Тинчлик, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-Саодат бахш этувчи порлоқ жамият қуришнинг аниқ ва равшан йўлларини белгилаб берди. Бу улуғвор вазифалар ҳар бир совет кишисидан, шу жумладан ёшларимиздан янада ғайрат, янада шижоат кўрсатиб меҳнат қилишни, ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини аямай сарфлашни талаб қилади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда партия ташкилотлари комсомолга яқиндан раҳбарлик қилсалар, унинг ғайрат ва ташаббусини ўз вақтида қўллаб-қувватласалар, ўша ерда ташаббускор ёшларичизнинг сафи кенгаймоқда, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этишда комсомол ташкилотларининг роли тобора ошмоқда. «Ташкабель» заводининг комсомоллари ҳар бир ёш йигит ва қиз етти йилликни муддатидан илгари бажариш учун, коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ яратиш учун имкони борича кўпроқ ҳисса қўшсин, деган шиорни ўртага ташлади. Завод партия комитети комсомолларнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади ва бу ҳаракатни барча цех ва участка ёшлари ўртасида чинакамига оммалаштириш учун зарур тадбирларни белгилади. Тошкенткабеллик ёшларнинг бу ҳаракати ҳозирги пайтда бошқа саноат корхоналарида ҳам кенг қулоч ёймоқда.

Лекин олдимизга қўйилаётган ҳозирги юксак талаблар юзасидан қараганимизда, комсомол ташкилотлари ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Аввало шуни айтиш керакки, кўпчилик бошланғич комсомол ташкилотлари ва район комсомол комитетларининг ишидаги формализмга ҳали бутунлай барҳам берилмаган. Ҳаёт билан, ёшларнинг кундалик иши билан алоқаси узилиб, колган комсомол ташкилотлари бизда оз эмас. Бунга сабаб шуки, айрим маҳаллий партия ташкилотлари комсомолга суст раҳбарлик қилмоқдалар, ёшларнинг ҳаёти, орзу-истаги ва қилаётган ишларини ўрганиш билан етарли даражада шуғулланмаётирлар. Жумладан, Ўрта Чирчиқ районидаги кўпгина колхоз ва совхоз партия ташкилотлари комсомол ташкилотларига раҳбарлик қилишни онда-сонда уларнинг иши ҳақидаги ҳисоботларни тинглашдангина иборат деб билмоқдалар. Айрим партия ташкилотлари эса комсомол ташкилотларининг фаолияти билан мутлақо шуғулланмаётирлар. Чунончи райондаги «Партия XXII съезди» колхозининг партия комитети (секретари ўртоқ Каримов) комсомол ташкилотига раҳбарлик қилишни мутлақо унутиб қўйган. Бу хўжаликда кейинги уч йил мобайнида комсомол йиғилиши ўтказилмаган, ёшларнинг сиёсий ўқуви ташкил этилмаган. Худди шундай аҳволни Киров номли совхозда ҳам кўриш мумкин. Бу ерда икки йилдан бери комсомолларнинг йиғилиши ўтказилмаган.

Бу камчиликлар шунинг учун юз бермоқдаки, район партия комитети (секретари ўртоқ О. Бердиев) комсомол ташкилотларига қоникарсиз раҳбарлик қилмоқда. Кейинги икки йил мобайнида район партия комитетининг секретарлари райсқ комсомол комитетининг бюросида бирон марта ҳам иштирок этмаганлар. Комсомол ва ёшлар ўртасида тарбиявий ва оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш масаласи район партия комитетининг пленумлари ва бюро мажлисларида муҳокама қилинмаган.

Худди шундай аҳволни областимиздаги бошқа районларда ҳам кўриш мумкин. Афсуски, область комсомол комитети комсомол ташкилотларининг ишини яхшилаш, уларнинг ёшларга бўлган таъсирини кучайтириш тўғрисида қоникарсиз шуғулланмоқда. Область комсомол комитетидаги ўртоқлар жойларда бошланғич комсомол ташкилотларига амалий ёрдам бериш, жонли ташкилотчилик ишларини олиб бориш ўрнига кўпроқ қоғозбозлик билан шуғулланмоқдалар.

Олдимизда турган ғоят катта вазифалар комсомол ташкилотларининг иш услуби ва методларини тобора такомиллаштиришни, уларнинг сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятларини кучайтиришни талаб этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг ВЛКСМ XIV съездига юборган табригида ҳамда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу съездда сўзлаган нутқида комсомолнинг совет ёшларининг авангарди ва партиянинг содиқ ёрдамчи си сифатидаги роли ва аҳамиятини янада ошириш соҳасида турган вазифалар эниқ ва равшан белгилаб берилган.

Маҳаллий партия ташкилотлари комсомол ташкилотларининг ишидан доимо хабардор бўлиб туришлари, ишдаги камчиликларни очиб ташлаш ва уларни тугатишда яқиндан ёрдам беришлари зарур. Шунга эришмоқ керакки, район партия комитетининг пленумлари ва бюроларида, коммунистларнинг йиғилишларида комсомолга партия раҳбарлигини яхшилаш масалалари вақти-вақти билан муҳокама қилиниб турсин. Комсомолнинг кучи унга партиявий раҳбарликда эканлигини доимо эсда тутайлик.

СОВЕТ ПРОКУРАТУРАСИ ХОДИМЛАРИГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети совет прокуратурасининг қирқ йиллиги кунида унинг ходимларини табриклайдилар.

В. И. Ленининг ташаббуси билан барпо қилинган совет прокуратураси социализм қуришда партия ва давлатга катта ёрдам кўрсатди.

Давлат ҳаётининг ленинча нормалари тикланганлиги, шахсга сиғиниш оқибатлари тугатилганлиги, шунингдек прокурор назорати ҳуқуқлари тикланганлиги мамлакатда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш учун зўр аҳамиятга эга бўлди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети совет прокуратурасининг қирқ йиллик кунида унинг ходимларини табриклаб, прокуратура органлари суд органлари, ички ишлар министрликлари ва бошқа юридик муассасаларнинг ходимлари билан биргаликда, социалистик қонунчиликни ва совет ҳуқуқ-тартиботларини янада мустаҳкамлаш соҳасида КПСС Программаси қўйган тарихий вазифаларни бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ҚАРДОШЛИК ВА ЯРАТУВЧИЛИК ТИЛИ КОММУНИЗМНИ БАРПО ҚИЛИШГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРДА РУС ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКАЛАРАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯДАН

Ҳозир Тошкентда миллий мактабларда рус тилини ўқитишни яхшилаш масалаларига бағишланган республикаларо конференция ўтмоқда. Бу конференция Ўзбекистон меҳнаткашларининг маданий ҳаётида катта воқеадир.

Конференция қатнашчилари 28 май кечқурунги мажлисда Тошкент университетининг доценти, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ўқитувчи **К. С. Кобловнинг** «Миллий мактабларда рус тилини ўқитишнинг мундарижаси ҳамда рус тили программалари ва дарсликларини тузиш принциплари» тўғрисидаги докладини тинглидилар.

КПСС тарихий XXII съезди, дейди докладчи, мамлакатимизда коммунизм қурилишини кенг авж олдиришнинг улуғвор программасини қабул қилиб, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор берди. Съезд қарорларини бажаришда ўқитувчиларимиз зиммасига катта масъулият юклатилган. Мактабнинг турмуш, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқасини мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифаларни миллий мактабларда рус тилини ўқитишга татбиқ этадиган бўлсак, аввало, ўқитишнинг амалий йўналишини кучайтириш зарур.

Биринчи ўринга қўйилаётган нарса ўқувчиларнинг рус тилидан муайян кўламда билим олишигина эмас, балки бундан ҳам кўра уларнинг нутқ кўникмаларини ҳар тарафлама камолатга етказишдир. Ўзбек мактабини тамомлаб чиқаётган ўқувчилар рус тилида бемалол ва тўғри гапира олишлари, рус китобини ўқиб, тушунадиган бўлишлари, ўз фикрларини рус тилида ёзма шаклда бехато ифода эта билишлари керак. Ўзбек мактабида рус тилини ўқитиш вақтида умумий таълимга доир вазифаларни ҳал қилишга катта эътибор берилмоқда, чунки ёшларни коммунизм қурувчиси ахлоқ кодексининг юксак маънавий принциплари руҳида тарбиялаш совет мактабининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек мактаблари учун рус тилидан янги программа ишлаб чиқиш вақтида миллий мактабларда рус тилини ўқитишни яхшилашга бағишлаб, 1956 йил август ойида Тошкентда ўтказилган биринчи республикаларо илмий конференциясининг тавсиялари ҳисобга олинди. Программани яхшилашда асосан ўқувчиларнинг амалда рус тилини эгаллаб олишларига нисбатан талабчанликни ошириш назарда тутилди.

Эндиликда мактаб ўқувчиларида рус тилидан даставвал шундай кўникмалар ҳосил қилиш кўзда тутилмоқдаки, улар бу кўникмалардан ўзларининг келгусидаги бутун ҳаёти давомида ишда ҳам, турмушда ҳам фойдалана оладиган бўлишлари керак. Ҳозир синфдан ташқари ишларни ташкил қилишга катта ўрин берилмоқда. Республика мактаблари бир сменада машғулот ўтказишга кўчирилаётганлиги муносабати билан рус тилини ўқитиш соҳасидаги ишнинг бу тури алоҳида актуаллик касб этиб бормоқда. Ана шу ишни олиб бориш ҳақида ўқитувчиларга қўлланмалар тузиб бериш — тадқиқот муассасалари ва методик органларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Нотиқ республикада саккиз йиллик ўзбек мактаблари учун рус тили бўйича яратилган программани батафсил таърифлаб ўтади. Афсуски, дейди у, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш таълими ҳам берадиган мактабларнинг тўқизинчи — ўн биринчи синфларига ҳамда ишчи ва қишлоқ ёшларининг кечки мактабларига ана шундай программани тузиб беришда орқада қолинмоқда. Бу программалар устида олиб борилаётган ишларни жуда яқин фурсатларда тугаллаш зарур. Бу эса, ўқувчиларни жамият учун фойдали меҳнатга тайёрлаш, ёшларни коммунизм идеялари руҳида тарбиялаш соҳасида партия ва ҳукумат қўйган фахрли вазифаларни тағин ҳам муваффақиятлироқ адо этишда ўқитувчиларга ёрдам беради.

Рус адабиёти — энг яхши ёрдамчидир

Тожикистон ССР халқ маорифи министри **М. С. Осимов** ўз докладини миллий мактабларда рус адабиётини ўқитишнинг мундарижаси ҳамда рус адабиёти программалари ва дарсликларини тузиш принципларига бағишлади. У конференциянинг 29 май эрталабки мажлисида шу ҳақда доклад қилди.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда, дейди докладчи, мактаб программасидаги гуманитар фанлар орасида адабиёт жуда муҳим ўрин тутади. Рус адабиёти рус тилини ўрганишда айниқса катта тарбиявий, билим бериш ва эстетик имкониятларга эга. Рус адабиёти рус адабий тилини эгаллаб олишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун рус адабиётини миллий мактабларда, жумладан тожик мактабларида шундай ҳажмда ўрганиш талаб қилинадики, бунинг натижасида рус адабиёти бераётган ҳамма имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш мумкин бўлсин. Рус адабиётининг ўрганиш ҳажмини янги ўқув планлари, программалари, дарсликлар белгилаб бермоқда.

Ҳозирги вақтда Тожикистонда ўн йиллик ва ўн бир йиллик мактабларнинг турли синфлари учун бугунги кун талабларига мос бўлиб тушадиган бир қанча янги ўқиш ва адабиёт программалари, программа батафсил таърифлаб

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Шу йил 29 майда Тошкент область партия комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Ўртоқ **Ҳ. Э. Эргашев** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари вазифасига ўтганлиги муносабати билан пленум уни область партия комитетининг бюро аъзолиги вазифасидан озод қилди.

Ўртоқ **Э. Т. Шайхов** Тошкент область ижроия комитетининг раиси қилиб сайланганлиги сабабли пленум уни область партия комитетининг секретари вазифасидан озод этди.

Пленум область партия комитетининг бюро аъзоси ва секретари қилиб ўртоқ **Қ. А. Аҳмедов**ни сайлади.

Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. А. Абдураззоқов** пленумда область колхоз ва совхозларида қишлоқ хўжалиги ишларининг қандай бораётганлиги ҳақида ҳамда партия XXII съезди, КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг кўрсатмалари муносабати билан қишлоқ хўжалиги соҳасида тезда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар, даставвал пахтадан мўл ҳосил етиштириш соҳасидаги вазифалар тўғрисида гапирди.

Пленумда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ **Ф. Е. Титов** нутқ сўзлади.

Область партия комитетининг пленумида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзоси **Е. С. Насриддинова** ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидат **Н. В. Мартинов** ўртоқлар иштирок этдилар.

Совет Ўзбекистонида

ҚУРҒОҚ ЗОНАДА СИЛОСБОП ЭКИНЛАР

САМАРҚАНД. (ЎзТАГ). Йиллик ёғингарчилик 250—300 миллиметрни ташкил этадиган қурғоқ зонада силосбоп экинлар етиштириш мумкин. Ўзбекистон ламмикор (суғорилмайдиган) деҳқончилик институтининг кўп йиллик тажрибаси ва кенг ишлаб чиқариш шаронтида ўтказилган текширишлар буни исботлаб берди.

Эзги иссиқлар бошлангунча консервациялаш ва ўриб олиш учун яроқли эфемер ўтлар группаси ажратилди. Экилган бошоқли ўтлар аралашмаси ҳам силосбоп бўлади. Кунгабоқар эса қурғоқ далаларда энг яхши натижа беради. Кунгабоқарнинг қурғоқчиликка бардош берадиган бир неча сортлари етиштириди. Бу сортларни тоғ этакларида ҳам, республикадаги суғорилмайдиган ерларнинг текислик-текалик қисмида ҳам етиштириш мумкин.

Бу йил қўкламда Самарқанд областининг чорвадорлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, суғорилмайдиган ерларда силосбоп экинлар етиштиришни кескин суратда қўлайтиришга бел боғладилар. «Ударник», 1-«Ғаллаорол» совхозлари ва бошқа хўжаликлар силос тайёрлашга киришдилар. Ўтлоқдаги пичан ва экилган ўтлар ўриб олиниб, траншеяларга бостирилмоқда. Яқинда кунгабоқарни ўриб-йиғиш бошланади. Областдаги қурғоқ зона хўжаликлари бу йил 150 минг тоннага яқин силос ғамлаб қўймоқчилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Совет прокуратураси ташкил этилган кунинг қирқ йиллиги муносабати билан ва жиноятга ҳамда социалистик қонунчиликнинг бузилишига қарши курашда узоқ йиллар мобайнида ҳалол ишлаганликларини тақдирлаб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, республика ва Туркистон ҳарбий округи прокуратураси органлари ходимларидан 45 киши Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

ЁППАСИГА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ВА ТИНЧЛИК УЧУН!

СОВЕТ ЖАМОАТЧИЛИГИ ВАКИЛЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

МОСКВА, 29 май. (ТАСС). Бугун Союзлар уйининг Колонна залида ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун совет жамоатчилиги вакилларининг конференцияси ўз ишини бошлади. Конференцияда барча иттифоқчи республикаларнинг вакиллари қатнашмоқдалар. Конференцияда Болгария, Финляндия ва бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Конференцияни тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси шоир Н. С. Тихонов очди. Делегатлар ғоят баланд руҳ билан Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Президиумини конференциянинг фахрий президиумига сайладилар.

Ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун жаҳон конгрессини ўтказишга ёрдам берувчи совет комитетининг раиси ёзувчи А. Е. Корнейчук «Совет халқининг ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик йўлидаги кураши» тўғрисида доклад қилди.

МОДИБО КЕЙТА МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

МОСКВА, 29 май. (ТАСС). Мали Республикасининг давлат бошлиғи ва ҳукумат раиси Модибо Кейта ва унинг йўлдошлари — министрлар, депутатлар, касаба союз, хотин-қиз, ёшлар ташкилотлари ва Малидаги бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари беш кун мобайнида Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилдилар. Меҳмонлар Тошкент, Сочи ва Ленинградда бўлдилар. Улар бугун Москвага қайтиб келдилар.



ҚЎШИМЧА МАЙДОНЛАРДА

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларига жавобан ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янгидан-янги резервларини ишга солаётган республиканинг илғор хўжаликлари «Энг қимматли экинларни қўшимча майдонларга экамиз», деган шиор остида экиш ишларини тугалламоқдалар.

Чигит экиш планларини ошириб бажарган Тошкент, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё областларида «оқ олтин»нинг қўшимча майдонлари ўн беш минг гектардан ортиқ бўлди. Бу эса республиканинг энг катта районларидан бири ҳисобланган Янгийўл районидаги пахтазорларга тенг келади. Топшириқдан ташқари саккиз минг гектардан ортиқ ерга чигит эккан Тошкент области пахтакорлари муҳим резервлардан фойдаланишда энг катта муваффақиятга эришдилар.

Сурхондарё областининг маккажўхорикорлари ҳам қўшимча майдонларни қиздириб топмоқдалар.

Илғор колхоз ва совхозларда дуккакли экинлар меҳр билан парвариш қилинмоқда. Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида бу йил дуккакли экинларга алоҳида умид боғланмоқда. Деярли бир минг гектар ерга қўшимча суратда дуккакли экинлар эккан Қорақалпоғистон хўжаликлари дуккакли экинлар экиш планини қарийб тўрт ярим баравар ошириб бажардилар. Андижон областида ҳам топшириқ ошириб бажарилди. Республикада биринчи марта катта майдонларга нўхот экилмоқда. Бу экин планда белгиланган қарийб тўрт ярим минг гектар ўрнига деярли етти минг икки юз гектар ерга экилди. (ЎзТАГ).

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг қурувчилари ва монтажчилари «АВТ-ЭЛОУ» установкалари комплексини муддатидан бир ой илгари монтаж қилдилар. Ҳозир бу ерда уни ишга тушириш учун тайёргарлик кўрилаяпти. Бу комплекс ишга тушгач, заводнинг ишлаб чиқариш қуввати анча ошади. Суратда: янги «АВТ-ЭЛОУ» установкалари комплекси.

Г. Бойко фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ нутқи

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Такрор айтаманки, ҳозир асосий масала савдо-сотиқ қилишдир. Савдо сотиқ ишларида. Совет Иттифоқини ва бошқа социалистик мамлакатларни қандайдир яккалаб қўйиш йўлидаги уринишлар барбод бўлганлиги энди ҳаммага аён бўлиб қолибди.

Италиянинг саноат ва савдо аҳиллари тушуниб олган бир нарсани, яъни манфаатли бўлса — сотиш ва сотиб олиш керак, манфаатли бўлмаса — сотмаслик ва сотиб олмаслик керак, деган фикрни Ғарб давлатларининг сиёсати ўзига боғлиқ бўлган кишилар ҳам тушуниб олсалар жуда соз бўлур эди. Бу фикрни биз ўйлаб топганимиз йўқ, бу — ҳамма эътироф этган қонидадир.

Савдо-сотиқ ишларидаги шерикларимиз ана шу қонидага амал қилсалар, бу нарса ҳар иккала томонга ҳам фойдали бўлур эди. Совет саноати ишлаб чиқараётган кўпгина машиналарни, биз, эҳтимол, ўзимизда проектлаштириб ҳам, ишлаб чиқариб ҳам ўлтирмай, шундай машиналарни ишлаб чиқаришни ўлга қўйган чет эл фирмаларининг хизматидан фойдаланган бўлур эдик. Бу эса, бизга ҳам, шунингдек ана шундай машиналарни ишлаб чиқараётган мамлакатлар билан фирмаларга ҳам манфаатли бўлур эди. Биз Италия, Германия Федератив Республикаси, Франция, Япония, Англия, Швеция ва бошқа мамлакатлардан бутун-бутун заводлар учун ускуналар сотиб олмоқдамиз. Италия билан иқтисодий муносабатларимиз айниқса яхши йўлга тушиб олди. Биз умидвормизки, бу муносабатлар бундан кейин ҳам давом эта беради ва ривожлана беради.

Социалистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг мухолифлари ўз куч-ғайратларини Европа мамлакатларининг умумий бозорини ва бошқа бенк иқтисодий бирлашмаларни в ж у д г а келтиришга сарфламоқдалар. Айни маҳалда улар иқтисодий мақсадларнигина кўзлаб қолмай, сиёсий мақсадларни ҳам кўзламоқдалар. Совет Иттифоқи бунёдга келганига 45 йил бўлиб қолди. Ана шу давр ичида бизнинг тараққиётимизга тўғоноқ солиш учун нима чоралар кўрилмади дейсиз, лекин шу чораларни амалга оширган кишилар ҳар гал мағлубиятга учрайбердилар. Агарда ана шу «Европа уюшмаси» социалистик мамлакатларга карши ҳаракат қила бошласа, унинг тақдири ҳам шундай бўлади. Бу уюшма эса аслида социалистик мамлакатларга карши қаратилгандир. У амал олмасдан қуриб қоладиган дарахтдир.

Бир ажнабий давлат уч йил муқаддам мана шу территорияда виставка очганлиги ҳозир эсимга келиб қолди. Шу виставканинг ичида кичкина бир уй қурилган бўлиб, ана шу уйнинг ошхонасида мунозара олиб боришимга тўғри келиб қолган эди. Бу мунозара хийли вақтгача шарҳлаб юрилди. Дарвоқе, ана шу ошхонага келажакда бўладиган ошхона, деган ном берилган эди, бундай ошхоналар умуман дунёда йўқ. Ўша ошхонани виставкага қўйган мамлакатнинг вакиллари биз шундай ошхоналарни қуриб эсимизни еб қўйибмизми, деган гапларни айтишган эди.

Ана шу виставкани ташкил этишдан (мен кайси мамлакатлигини айтмайман, чунки биз бу мамлакатнинг халқини ҳурмат қиламиз) совет кишиларнинг ға'ри табиий ошхона, ва усти ялтироқ бошқа рўзғор буюмлари билан ҳайратга солиб қўйишдан иборат жуда бемаъни бир мақсад кўзда тутилган эди. Ўша виставка совет кишиларида яхши таассурот қолдирмади, чунки бу виставка бошдан-оёқ пропагандадан иборат эди, холос. Пропагандада эса, бизнинг ўзимиз ҳам ҳар қандай одамни бир чўқишда қочирамиз. **(Қувноқ жонланиш. Қарсаклар).**

Дарвоқе, «ошхона» ўз ишини қилди: ҳар йўл билан унга мадҳсано ўқиган кимса, чамаси, ўша ошхонада қанотини қуйдириб қўйди. Ўз мамлакатида ўтказилган президент сайлови вақтида ўша кимса мағлубиятга учради.

Биз бугун Италия маҳсулотларининг нусхалари билан таниша-ётганлигимиздан ғайриқса хурсандмиз. Бу маҳсулотларга Италия ишчилари, инженерлари, олимларининг меҳнати сингган. Мана бу ерда мунозара олиб бориш мумкин, лекин мунозара пропаганда характерига эга бўлмаслиги керак. У ёки бу машинадан қандай фойдаланиш кераклиги тўғрисида фикр юритиш, русларнинг таомилига кўра, пишиқ-пишиқмаслигини синаб боқиш, нархи тўғри келадими, уни сотиб олса бўладими, деб чамалаб кўриш мумкин. Буни фойдали гап деса бўлади. **(Қарсаклар).**

Биз мамлакатимиз билан савдо-сотиқ алоқаларини авж олдиришга жиддий муносабатда бўлаётган Италиянинг савдо-саноат аҳилларини табриклаймиз. Биз бундай муносабатларни ҳурмат қиламиз.

Кези келгандан фойдаланиб, Италиянинг СССРдаги собиқ элчиси жаноб Пьетромаркига ўзимизнинг миннатдорчилигимизни изҳор қилмоқчиман. У, Италия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий алоқалар муваффақият билан ривожланишига бир талай куч-ғайрат сарфлади. Энди мен сизларга бир «сир»ни очиб қўяй. Жаноб Пьетромарки ана шу давозимдан кетиб, Сиз эса, жаноб Странео, бу лавозимга эндигина тайинланган вақтингизда биз-янги элчи қандай иш тутар экан? — деган мулоҳазаларга борган эдик. Янги элчи Совет Иттифоқига, мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришга қандай муносабатда бўлар экан — унинг муносабати аввалги элчининг муносабатига ўхшаган бўлармикин, ёки ундан ёмонроқ бўлармикин? — деган мулоҳазага борган эдик.

Шуни айтишим керакки, жаноб Странео мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш зарурлигига аввалги элчи сингари тушунган ҳолда қараётганлигидан биз гоят мамнунмиз. Бунинг учун Сизга ҳам ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз. **(Қарсаклар).** Сизнинг шаънингизга бундан ортиқча мақтов айта олмайман, чунки мен, коммунист бўлганлигим боисидан буржуа давлатларининг бирон арбобини мақтаётган вақтимда шу мақтов ўша арбобга фойдали бўладими — йўқми, билмайман. **(Қувноқ жонланиш).**

Виставкани ташкил қилишда ёрдам берганлиги учун Италия бош министри жаноб Фанфанига ўз миннатдорчилигимизни изҳор қилмоқчиман. Ғарчи бу айрим фирмаларнинг виставкаси бўлса ҳам, жаноб Фанфани шу виставкани ташкил қилишга доир масалаларда НАТО мамлакатларининг кўпгина калтабин арбоблари шундай ҳолатларда турадиган позицияда турмай, маълум даражада бетарафлик позициясида турган бўлса керак. Бу эса, яхши муносабатларни ривожлантириш иштиёқи борлигидан далолат бериб турибди. Билмадим, жаноб Фанфани шаънига яхши сўзларни айтиб, эҳтимол, ҳатто ошириб ҳам юборгандирман. У менинг сўзимни тўғри тушуниб олади, деб ўйлайман. Эҳтимол, мен шу сўзларни гапирганимда, бу масалаларни жаноб Фанфани тушунган тарзда акс эттирмаётгандирман. Лекин, мен бу ўринда ўзим тушунган тарзда гапирмоқдаман ва ўз муносабатимни изҳор қилмоқдаман.

Виставканинг очилиш маросимида ҳозир бўлар эканман, шундай фикрга келдим: бирор куч таъсирида Италия ҳукуматининг кўзи очилиб, у бетарафлик сиёсатини юргиза бошласа, бундан Италия халқи ва бошқа халқлар нақадар кўп ютган бўлур эди. **(Қарсаклар).**

Сизларни сиёсий мунозарага жалб қилиб қўймаслик учун бу темада ортиқ гапирмайман. Бу ўринда амалий алоқалар доирасидан чиқиб кетмаслик ҳамда Италия саноатининг муваффақиятларини намойиш қилувчи виставкани очиш маъқулроқдир.

Биз шу виставкага қўйилган экспонатлар билан бажонидил танишамиз. Биз машиналарнинг техника фазилатлари, уларнинг фойдаланишдаги пишиқлиги ва «инсоф билан белгиланган» нархи нуқтаи назаридан Совет Иттифоқи учун қизиқарли бўлган ҳамма нарсани сотиб олишга тайёрмиз. **(Қувноқ жонланиш).** Биз — мана бу нарсани сотиб оламиз, деб айтамиз ва молия министрига — пулини тўлаб қўй, деб кўрсатма берамиз. **(Қарсаклар).**

Илтифотингиз учун ташаккур. Виставкангизга муваффақият тилайман. **(Қарсаклар).**

Машкура Толипова ҳақида гап борганида Тошкентдаги чинни заводнинг коллективи фахр билан: «Барака топкур, ўз ҳунарини жуда яхши биладида» дейди. Чиндан ҳам унинг қўлидан чиққан чинни асбоблар ҳамманинг диққатини жалб этади. Машкура чинниларга шундай гўзал ва нафис гуллар чизадики, уни кўрганда сиз ҳам беихтиёр «Жуда чевар экан, қўли дард кўрмасин» дейсиз. Ушбу сурат моҳир ишчи ўртоқ М. Толипованинг косаларга гул солаётган пайтида олинган.

А. Абалян фотоси.

СОВЕТ ПРОКУРАТУРАСИ ҚИРҚ ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

МОСКВА, 28 май. (ТАСС). Совет прокуратурасининг тузилганига 40 йил тўлди. Шу муносабат билан, бугун прокуратура ходимларининг жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тантанали йиғилиши бўлди. Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Шелепин, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Н. Р. Миронов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитетининг раиси В. Е. Семичастний, СССР Олий судининг раиси А. Ф. Горкин, «Правда» газетасининг бош редактори П. А. Сатюков, КПСС Марказий Комитети аппаратининг, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, олимлар ва юристлар ҳозир бўлди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг совет прокуратураси ходимларига юборган табригини йиғилиш қатнашчилари гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Табрикни КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Шелепин ўқиб берди.

СССР Бош прокурори Р. А. Руденко «Совет прокуратурасининг 40 йиллиги» тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари гоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига хат текстини қабул қилдилар.

* * *

28 майда Тошкентда ўтказилган тантанали мажлис шонли юбилейга — Совет прокуратураси ташкил этилган кунинг қирқ йиллигига бағишланди. Прокуратура ходимлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг в а к и л л а р и Дзержинский номли клубга тўпландилар.

Мажлис қатнашчилари ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумини якдиллик билан тантанали мажлиснинг фахрий президиумига сайладилар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Ўзбекистон ССР ва Туркистон ҳарбий округи прокуратураси ходимларига табрикномасини ўқиб берди.

Республика прокурори Н. Ёқубов Совет прокуратурасининг қирқ йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев прокуратура ходимларидан бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб берди.

Республика Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова ҳамманинг қарсаклари остида Фахрий ёрлиқларни топширди.

Республика прокурорининг ёрдамчиси С. Р. Панасенко мукофотланганлар номидан гапирди. У, прокуратура ходимлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар, деди.

Тантанали мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома қабул қилинади.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар И. П. Бурмистров ва Қ. Муртазоев ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

ДАСТУРХОНИМИЗ БЕЗАГИ

Пойтахтимиздаги «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг ишчилари аҳолини ширинликлар билан мўлкўл таъминлаш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. «Халқимизнинг дастурхони тўкинсочин бўлсин» дейди улар. Шу мақсадда фабрикада маҳсулот ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида ўн хил янги кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Яқинда Ўзбекистон савдо палатаси томонидан ўтказилган конкурсда фабрикаларнинг бу янги маҳсулотлари юқори баҳо олди. «Пахта», «Ўзбекистон меваси» ва «Янгиер» конфетлари мукофотга сазовор бўлди.

Фабрика коллективи беш ойлик топшириқни орттириб бажарди: планга қўшимча ўн мингларча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу кунларда меҳнатсевар ишчилар етти йилликнинг тўртинчи йили планини 25 декабргача бажариш учун курашни авж олдирмоқдалар. Илғор ишчилардан О. Рўзиматова, Р. Амирова, Қ. Юсуфалиева, С. Ярулина ўртоқлар меҳнатда янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар кунлик топшириқларни 110—120 процентдан адо этишяпти.

З. АХТЯМОВА.

ПАХТАКОРЛАРИМИЗ УЧУН

Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларига амалий жавоб бериш учун астойдил курашиб, меҳнатда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Корхонада Воскресенск кимёгарларининг қишлоқ хўжалиги учун пландан ташқари кўплаб минерал ўғитлар етказиб бериш ҳақида бошлаган ташаббуси кенг ёйилди. Машинасозлар ҳам бу ташаббусга кўшилиб ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Ҳар бир ишчи, ҳар бир инженер-техник ходим ички резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйиш учун қаракат қилмоқда.

2-механика-йиғув цехи коллективи зиммасига юксак мажбуриятлар олиб ишламоқда. Йиғувчилар фақатгина шу йилнинг иккинчи кварталида пландан ташқари 100 та «НКУ-4-6» маркали культиватор-ўғитлагич ишлаб чиқариш ва пахтакорларга етказиб беришга аҳд қилишган. Ташаббускорлар ўз ваъдаларининг тўла уддасидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилиб, кунлик топшириқларини мунтазам ортиги билан адо этмоқдалар. Шу вақтгача топшириқдагидан ташқари бир неча ўн культиватор-ўғитлагич йиғдилар. Шуниси қувончлики, бу культиваторлар тежаб қолинган маҳсулотлар ҳисобига тайёрланаяпти. Йиғувчи цехдаги барча асбоб-ускуналар, агрегатлар қувватидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясига қатъий амал қилиш ва уни тинмай такомиллаштиришга ҳам эътиборни кучайтирдилар.

Цех коллективининг ташаббуси корхонадаги бошқа цехлар коллективлари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Барча цех, участка ва бригадаларда культиваторлар ишлаб чиқариш ярим йиллик давлат планини муддатидан 15 кун илгари адо этиш юзасидан социалистик мусобақа авж олиб кетди.

Республикамиз пахта далаларида ғўзани культивация қилиш ишлари қизғин олиб борилаётган ҳозирги вақтда ҳар бир культиватор ҳисобда бўлади. Шунинг учун ҳам машинасозлар культивация ишларини тез ва сифатли ўтказишда пахтакорларга ёрдам беришга астойдил отланишди. Бу республикамизга бўйича бу йил давлатга 3 миллион 350 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажаришга Чирчиқ машинасозлари қўшган муносиб ҳисса бўлади.

М. МАҲМУДОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ VII СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети VII сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ташкилий масалаларни муҳокама қилди. Меҳнаткашлар депутатлари область Совети мандат комиссиясининг Э. Т. Шайхов ва Р. Г. Ғафуров ўртоқларни область Советининг депутатлари қилиб сайланганлиги тўғрисидаги доклади бир овоздан тасдиқланди.

Сессия область Совети ижроия комитетининг раиси қилиб ўртоқ **Эркин Турдиевич Шайхов**ни сайлади.

Шундан сўнг сессия «КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари асосида пахта, маккажўхори, канап, сабзавот, картошка ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш натижаларига қараб қишлоқ хўжалик ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш» тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришди. Бу масала юзасидан область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ **А. И. Руцкий** доклад қилди.

Сессия ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг келгуси сонида эълон қилинади.

ҚАРДОШЛИК ВА ЯРАТУВЧИЛИК ТИЛИ КОММУНИЗМНИ БАРПО ҚИЛИШГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

ўқиш китоблари, хрестоматия дарсликлари бор. Ана шу китоблар ва дарсликларни яратиш вақтида қардош республикалардаги педагоглар ва методистларнинг тажрибалари, практик ўқитувчиларнинг истаклари, тажрибали мутахассисларнинг қимматли маслаҳатлари ҳисобга олинди. Ўқитишни ҳаёт билан боғлаш янги программаларни тузишдаги энг муҳим принципдир. Ўқиш программасига киритилган рус совет адабиётининг бадиий асарларини танлаб олиш вақтида мамлакатимиз халқларининг ҳаёти ва меҳнатини тўлароқ акс эттирувчи асарлар олдинги ўринга қўйилди.

Ўқувчилар бадиий адабиётнинг энг яхши намуналарини ўрганиш асосида ўзининг актив луғавий запасини бойитиб боради. Программаларда ёзма баёнга, ижодий ишларга катта эътибор берилмоқда.

Миллий мактабларда рус тили ва адабиётини ўқитиш муваффақияти, аввало, мукаммал программа ва дарсликлар яратилишига боғлиқдир.

Докладчи турли синфлар учун чиқарилган рус адабиёти программаларини анализ қилиб, шундай хулосага келадики, миллий мактабларда рус тилини ўқитишни икки босқичга — 5—8 синфларда тушунтириш ва адабий ўқиш босқичига ҳамда 9—11 синфларда рус адабиёти тарихи қисқа курсига бўлиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, она тилидаги адабиёт курси билан бўлган боғланиш программаларда ўз аксини топмоғи керак.

Ўртоқ Осимов ўз докладининг бир қисмини миллий мактабларнинг юқори синфлари учун рус адабиёти дарсликларини яхшилаш масалаларига бағишлайди.

Ўрта Осиё республикаларининг мактабларида рус адабиётини ўрганишга ажратилган дарс соатларининг миқдори шу чоққача ҳар хил бўлиб келмоқда, бу эса ўқувчиларнинг ана шу фан бўйича билим савияси ҳар хил бўлишига олиб бормоқда. Социалистик миллатлар яқинлашиб бораётган ҳозирги даврда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ва, эҳтимол, Озарбайжон учун рус адабиёти бўйича асосан ягона программа ва дарсликлар яратиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бунинг учун муътабар кишилардан иборат комиссия тузиш, ана шундай программа проектини жуда кенг қўламда муҳокама қилиш ва тажрибада синаб кўриш керак.

ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ ТАРБИЯ БЕРАЙЛИК

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг директори, РСФСР педагогика фанлари академиясининг корреспондент аъзоси **С. Р. Ражабов** ўқитиш ўзбек тилида олиб борилаётган мактабларда рус тили ва адабиёти дарсларида ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида доклад қилди. У таъкидлаб ўтдики, ҳар бир дарсни ўқувчини тўлқинлантира оладиган, янги ҳаёт қурувчисининг маънавий қиёфасини шакллантиришга ёрдам бера оладиган мазмундор текст материали билан бойитиш ҳар бир ўқитувчининг биринчи галдаги вазифасидир.

Шу жиҳатдан олганда, дарсни тузиш программаси муҳим роль ўйнайди, албатта. Лекин асосий масала педагогнинг идеологик жиҳатдан нечоғлик қуролланганлигидир. Қоявий тарбия китобий характерга эга бўлмаслиги керак. Ўқувчиларнинг сўзи билан иши ўртасида, уларнинг адабиётдан олган билимлари билан дунёни мушоҳида қилиши ўртасида тафовут бўлишига йўл қўймаслик керак. Адабиётни ўрганиш болаларнинг турмуши, талаб ва қизиқишлари билан боғланган бўлиши лозим.

Бадиий асарлардаги ижобий қаҳрамонлар билан танишиш натижасида ўқувчилар олиадиган чуқур таассуротларни ўқитувчи мустаҳкамлаб қолмоғи, бу таассуротларни эътиқодга айлантирмоғи керак.

Ҳар бир педагогнинг фахрли бурчи ўқувчиларга пролетар интернационализми туйғусини, халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлик туйғусини кун сайин сингдириб боришдан иборат. Ўқитувчи программа материалига таяниб, миллий мактабларнинг ўқувчиларини рус халқининг юксак маънавий маданиятидан баҳраманд қилмоғи керак. Рус халқининг маънавий маданияти жаҳон маданиятининг ҳазиналарига, илғор фан ва техника ютуқларига кенг йўл очиб беради.

Миллий мактабда ишлаётган рус тили ва адабиёти ўқитувчисининг вазифаси — болаларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбияламоқ учун бадиий адабиёт образларидан моҳирона фойдаланишдир.

РУС ВА ОНА ТИЛИ БИР-БИРИГА ЯҚИН ВА ОҒА-ИНИДИР

Озарбайжон тиллар педагогика институти психология кафедрасининг мудири **Ф. А. Иброҳимбеков** ўз докладини муҳим темага — миллий мактабларда рус тилини ўқитишнинг психологик асосларига бағишлади. Бизнинг кўп миллатли улуғ мамлакатимизда, деб таъкидлайди у, икки тилни — ўз она тили билан рус тилини билган кишилар сони тобора кўпаймоқда. Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXII съездида қилган докладида ўқитириб ўтганидек, рус тили СССР халқларининг ҳақиқатда иккинчи она тили бўлиб қолди. «Иккинчи она тили» деган тушунчанинг илмий жиҳатдан ҳар тарафлама ишлаб чиқилиши бундан буён миллий мактабларда рус тилини ўқитишни яхшилашда, шубҳасиз, жуда катта роль ўйнаяжак.

Маълумки она тили алоқа боғлаш воситаси бўлибгина қолмай, айни маҳалда тафаккур юритиш қуроли бўлиб ҳам хизмат қилади ва одамнинг ақлий жиҳатдан камол топишида етакчи роль ўйнайди. Иккинчи тил она тилига зид келмагани ҳолда, шу тилни эгаллаб олган одамнинг тушунчалари ва савиясини кенгайтиришга ёрдам беради. Мактабда ўқиш вақтида ўқувчилар рус тилини ана шундай қўламда эгаллаб олишига эришиш мумкинми? Чинакам икки тиллилик бошланадиган чегарани мактаб шароитида йўқотиш мумкинми? Буни қилиш мумкин ва керак. Лекин бунинг учун рус тилини ўқитиш методларини янада такомиллаштирган ҳолда ўқувчиларда ички нутқни, «тилни ҳис қилиш» қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Билингвист яъни икки тилни баббаравар яхши биладиган ўқитувчилар нақадар зўр афзалликларга эга эканлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Докладчи озарбайжон болаларида рус нутқини ўстиришнинг турли босқичларини кўпгина мисоллар асосида анализ қилиб беради. Унинг фикрича, миллий мактабларда рус тилини ўқитиш психологияси тўғрисидаги мавжуд тажриба маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, ўқитишнинг негизи бўлган она тили, ғарчи жуда муҳим ва фойдали тил бўлсада, вақтли фактордир. Бизнинг фикримизча, дейди у, ўқувчилар онгида рус нутқи она тилидан қатъий назар қанчалик тез ўса бошласа, ҳар иккала тилни ўрганиш вақтида шунча кўп муваффақиятга эришиш мумкин. Ўқитиш методикасини такомиллаштириш керак, умумий тил бўлиб қолди.

Шоир Райхон Шукурбеков қирғиз халқининг рус тилига бўлган муҳаббати ҳақида тўлқинланиб бундай дейди:

Тарихнинг ўзи ҳам шу улуғ
тилни,
Деди сен оламга устоз бўлурсан.
Тиллар бор, нисбати дарёларга
тенг,
Рус тили — мисоли чексиз
океан.
Бу тил азаматдир, мангу,
вафоли.
Шу тил тарихга ҳам посбон
бўлажак,
Шу тилда гапирар Ленин
даҳоси.
Келажак гапирар шу тилда
бешак!

Қирғиз аҳолисининг жуда кенг қатламлари Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидан бошлаб рус ўқитувчиларини ўзларининг азиз дўстлари деб билдилар ва она тили ўқитувчилари билан бир қаторда рус тили ўқитувчилари ҳам юборилишини талаб қилдилар. Республиканинг барча қирғиз, ўзбек ва бошқа миллий мактабларидаги болалар рус тили ва рус адабиётини зўр иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Кўп ўқувчилар: «Рус тили ва рус адабиёти — севган дарсим», дейдилар. Қирғиз ўқувчиларининг ота-оналари кўпинча ўз болаларини ўқитиш рус тилида олиб бориладиган синфларда ўқишларини истайдилар. Қочкор, Жумгал, Норин ва бошқа районларда қирғиз болалар ота-оналарининг илтимосига кўра ва ўз истакларига мувофиқ рус тилида ўқиётган бутун-бутун синфлар бор.

Қирғизистондаги мактабларнинг анча қисми — қарийб уч юз мактаб ўз состави жиҳатидан кўп миллатлидир. Рус, қирғиз, ўзбек синфлари бўлган аралаш мактаблар бор. Бундай мактаблар СССРдаги миллатларнинг бир-бирига яқинлашувидан иборат прогрессив процессга ҳақиқатан ҳам ёрдам бераётганлиги тажрибада кўриниб турибди. Совет халқларининг миллатлараро алоқа қилиш қуроли бўлган рус тилини ўқитиш бу процессда катта аҳамиятга эга. Кўп миллатдаги болалар ўқиётган мактабларда ўқувчилар ўртасида рус тилида амалий алоқа қучаймоқда.

Шуларнинг ҳаммасини назарга олганда, Қирғизистонда рус тили ўқитувчилари кадрларини тайёрлаш пробламаси қандай аҳамиятга эга эканлиги равшан бўлиб қолади. Ҳозирги вақтда республиканинг миллий мактабларида икки мингдан ортиқ ана шундай ўқитувчилар ишлаб турибди. Уларнинг сони Тошкентда биринчи республикалараро конференция ўтказилган 1956 йилдагига нисбатан тўрт баравар кўпайди, сифат состави ҳам бир мунча яхшиланди. Конференциядан сўнг ўтган вақт ичида Қирғизистондаги олий ўқув юртларининг «рус тили ўқитувчиси» стационар бўлимига йил сайин қабул қилинадиган студентлар сони 225 кишидан 350 кишига етди.

Педагогика институтларининг миллий мактаблар учун рус тили ўқитувчиларини тайёрловчи бўлимларига кўпроқ, республиканинг узоқ районларидан мактабни битириб чиққан ёшлар қабул қилинмоқда.

Кейинги йилларда миллий мактаблар учун рус тили ўқитувчиларини тайёрлаш юзасидан ўқув планларига баъзи ўзгартишлар киритилди. Жумладан, уларнинг методика тайёргарлигига кўпроқ эътибор берила бошлади. Ҳамма олий ўқув юртларида рус филологияси бўйича, оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш бўйича, қирғиз мактабларида рус тилини ўқитиш, такомиллаштириш бўйича тўгараклар, шунингдек ифодали ўқиш тўгараклари ташкил қилинди. Илмий жамиятларда кўп студентлар методика характеридаги темалар юзасидан тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Докладчи республикада миллий мактаблар учун рус тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш тадбирлари қандай амалга оширилаётганлиги, педагогик кечалар қандай ташкил қилинаётганлиги ҳақида батафсил гапиради. Миллий мактабларда рус тили ўқитишни яхшилаш масалаларига бағишлаб, Фрунзеда, Ўшда, Норинда, Толосда ва Пржевальскда ўтказилган зона илмий-амалий конференциялар республика ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу конференцияларда икки ярим мингдан ортиқ халқ маорифи ходимлари қатнашди.

Туркманистон ССР мактаблар илмий тадқиқот институтининг сектор мудири **Л. С. Кардашева** ўқувчиларга рус тилини ўргатиш вақтида она тилининг роли тўғрисида доклад қилди.

Шу нарса тўла равишда табиийки, туркман мактабларидаги болалар рус тилини ўрганиш вақтида муайян қийинчиликларга дуч келмоқдалар, чунки туркман тили бидан рус тили турли тиллар оиласига ва турли морфологик системаларга киради. Ўқитувчи она тилини билса ва она тилининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб борса, ўз олдига қўйган мақсадларга етиш учун тўғри йўл топа билади ва ўқувчиларнинг рус тилини эгаллаб олишини осонлаштиради.

Она тилини билишдан муайян миқдордаги дарслар вақтидагина фойдаланиб қолмай, балки бутун ўқиш даврида фойдаланиб бормоқ керак. Айни маҳалда рус тили дарсларида туркман тилидан фойдаланиш формалари хилма-хил бўлиши мумкин.

Луғавий иш — ўқувчилар нутқ практикасининг негизи эканлиги ҳаммага маълум. Шунинг учун янги сўзларни тушунтирган вақтда кўргазмали воситалардан фойдаланиш билан бир қаторга ана шу сўзларни она тилига таржима қилиб бериш усулини кенг қўлланмоқ керак. Таржиба шуни кўрсатмоқдаки, агарда болалар рус сўзини таржима билан олдинма-кетин эшитсалар, улар бу сўзни тезроқ ва яхшироқ тушуниб, ўзлаштириб оладилар. Лекин шу усулга берилиб кетиш ҳам ярамайди. Ана шундай таржималар сонини астасекин камайтириб бориш, юқори синфларда эса, иложи борича умуман бу усуллан фойдаланмаслик керак.

Рус тили билан она тили фактларини таққослаб бериш, болаларни ўқитиш вақтида таққослашнинг роли ҳақидаги масала кейинги вақтларда кенг мунозарага сабаб бўлмоқда. Докладчи ана шу мунозара жараёнида маълум бўлиб колган айрим фикрларни баён қилиб, таққослаш юқори синфлардагина фойдали ва зарур бўлиб қолмай, бошқа синфларда ҳам фойдали ва зарур, рус тилининг грамматик тузилишини ўрганиш вақтида айниқса қимматлидир, деган фикрни билдиради. Туркман мактабининг хусусиятлари шуни тақозо этмоқдаки, таққослашдан ўқувчиларнинг рус тилини онгли равишда ўзлаштириб олишга ёрдам берувчи актив методик усул сифатида фойдаланиш керак. Биз-роқ, деб ўқтиради докладчи, мақсад таққослаш методининг ўзидан фойдаланишгина эмаслигини, балки бу нарса ўқувчилар рус тилини яхшироқ ўзлаштириб олиши учун қўлланиладиган методик усулгина эканлигини ўқитувчи ҳамиша ёдида тутмоғи керак.

У ёки бу грамматик материални туркман тилида ўрганишдан аввал худди шундай материални рус тили дарсларида ўрганиш самаралироқ бўлади.

Она тилидан қанча вақт ва қай даражада фойдаланиш масаласини расмиятчилик билан ҳал қилиб бўлмайди.

Арманистон ССР Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг сектор мудири **З. С. Маркарян**, Белоруссия ССР Педагогика илмий тадқиқот институтининг илмий секретари **В. К. Андреенко**, Молдавия ССР Мактаблар илмий тадқиқот институти бўлимининг мудири **А. К. Аджигирей** қардош республикалар халқ маорифи ходимлари номидан конференция катнашчиларига қарата табрик нутқлари сўзладилар.

Республикалараро илмий конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

* * *

29 май кечқурун Свердлов номли концерт залида республика мактаблари ва мактаб-интернатлари, шунингдек мактабдан ташқари муассасалари бадиий ҳаваскорлик коллективлари конференция қатнашчилари учун концерт қўйиб бердилар. Концерт олдидан саккиз юз ўқувчидан иборат терма хор «Пионер марши»ни ижро этди.

Қ. УЗОҚОВ, Ю. КУКАРКИН, Г. ЛИПШИЦ, Е. МАЙОРОВ
(ЎзТАГ мухбирлари)

ОКЕАН СИНГАРИ КЕНГ ВА ЧУҚУР

Қирғизистон маориф министри **Т. Т. Турғунов** «Қирғизистон ССР да рус тили ўқитувчилари ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш» тўғрисида доклад қилди.

Давримизнинг энг буюк ҳужжати — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, — дейди у, — миллий республикаларда рус тили бениҳоя катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтди. Рус тили, деб таъкидланади Программада, амалда СССРдаги барча халқларнинг миллатлараро алоқа ва ҳамкорлик қилишида умумий тил бўлиб қолди.

Шоир Райхон Шукурбеков қирғиз халқининг рус тилига бўлган муҳаббати ҳақида тўлқинланиб бундай дейди:

Тарихнинг ўзи ҳам шу улуғ
тилни,
Деди сен оламга устоз бўлурсан.
Тиллар бор, нисбати дарёларга
тенг,
Рус тили — мисоли чексиз
океан.
Бу тил азаматдир, мангу,
вафоли.
Шу тил тарихга ҳам посбон
бўлажак,
Шу тилда гапирар Ленин
даҳоси.
Келажак гапирар шу тилда
бешак!

Қирғиз аҳолисининг жуда кенг қатламлари Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидан бошлаб рус ўқитувчиларини ўзларининг азиз дўстлари деб билдилар ва она тили

ОЗ СУВ БИЛАН МЎЛ ҲОСИЛ

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

Ўзбекистон ССР Андижон область, Ленин районидаги Хрушчев номли колхоз 1961 йилда сув танқислигига қарамай, 2597 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,9 центнердан пахта олди. ❊ Хўжаликда сувдан навбатлаб фойдаланиш жорий этилди. ❊ Экинларни суғоришда янги усуллар кенг қўлланилмоқда. ❊ Булоқ ва ер ости сувларидан ҳам экинларни суғоришда фойдаланилмоқда.

Сувчи — КАДРЛАНГ

ҲАР КУБОМЕТР СУВ — 545 ГРАММ ПАХТА

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ, Ленин районидаги икки йирик хўжалик — Хрушчев номли ва «Социализм» колхозларида экинларни суғоришда сувдан қандай фойдаланилганлигини бир-бирига таққослаб кўрайлик: ўтган йили Хрушчев номли колхозда ҳар бир кубометр сув ҳисобига 545 грамм, «Социализм» колхозида эса 338 грамм пахта етиштирилди. Хрушчев номли колхозда ҳар гектар майдондан 31,9 центнердан ҳосил олинган бўлса, «Социализм» колхозида 25,4 центнердан ёки Хрушчев номли колхозга нисбатан ҳар гектар майдондан 6,5 центнердан кам ҳосил олинди. Ҳолбуки, «Социализм» колхози Хрушчев номли колхозга қараганда сув билан яхши таъминланган эди.

Хрушчев номли колхозда сувдан унумли ва тежаб фойдаланилгани туфайли бу колхоз «Социализм» колхозига нисбатан 3100 тонна кўп қўшимча «оқ олтин» етиштирди. Бу — ялпи пахта ҳосилининг 37,8 процентига тўғри келади.

Хўш, пахтакорлар бунга қандай қилиб эришдилар?

1. Навбатлаб суғориш — асосий масала

1961 йилга қадар Ленин районидаги Хрушчев номли колхозда сув унчалик танқис бўлмаган эди. Лекин ўтган йилнинг оғир шароити пахтакорларни бу масала устида бош қотиришга мажбур этди. Колхоз планлаштириб қўйилган миқдордаги сувни ололмади. Июнь ойининг бошларидаёқ асосий манбаларда сув жуда камайиб кетди, июль ойида — ғўза парваришининг энг долзарб кунларида эса бу хўжалик пландаги сувнинг 59 процентинигина олди. Ҳар томчи сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш масаласи пахтакорлар олдида кўндаланг бўлиб турарди. Эндиликда экинларни суғоришда сувдан эски усулда, яъни бор сувни 40 та пахтачилик бригадасига тақсимлаб фойдаланиш мумкин бўлмай қолган эди.

Ана шу пайтда колхоз бош агрономи Федор Самбович Хам ва колхоз раиси Зокир Собиров ўртоқлар сувдан фойдаланишда янги усулни жорий этишни таклиф қилиб чиқдилар.

Бригадирлар, звено бошлиқлари билан биргаликда сувдан навбатлаб фойдаланиш схемаси қараб чиқилди, қайси бригадаларга қачон сув бериш кераклиги белгиланди. Район сув хўжалиги ходимлари билан ҳамкорликда колхоз сув оладиган манбаларда қачон, қанча миқдорда сув бўлиши ҳисобга олинди. Натижада колхоз бор сувдан яхши фойдалана бошлади. Сув кўп бўлган пайтларда даласи узоқ бўлган бригадаларнинг ғўзалари суғорилди, сув кам пайтларда эса яқин орадаги экин майдонлари суғорилди. Ҳар бир кубометр сув олтинга тенг бўлган ана шу кунларда ундан тежаб-тергаб, бир томчисининг ҳам исроф бўлишига йўл қўймасдан фойдаланиш жуда муҳим эди.

Экинларнинг сувга талаби ортган июль, август ойларида колхоз 2597 гектар майдондаги ғўзани суғориш учун секундига 1,6-1,8 кубометрга етар-етмас сув олиб турди. Аҳвол жуда оғир, фақат сувдан фойдаланишда қаттиқ тартиб ўрнатиш билангина бу ҳолдан қутилиш мумкин эди.

Колхоз Чек, Ёв, Қайроғоч, Охунбобоев номли ва Чаллар каналларидан сув олади. 3000 гектарга яқин майдондаги экиннинг тақдири ана шу ариқларнинг сувига боғлиқ. Хўжаликда экинларни беш зонага бўлиб суғориш ташкил этилди. Масалан, секундига 1 кубометрга яқин сув оқадиган Охунбобоев номли каналдан 1032 гектар майдондаги экин (15 пахтачилик бригадаси) сув ичади. Навбатлаб суғориш графиги тузилганда, ҳар бир бригадага секундига энг камида 150-160 литр сув бериш кераклиги ҳисобга олинган. Бу миқдордаги сув билан бир кеча-кундузда 12-13 гектар майдондаги ғўзани суғориш мумкин. Бинобарин, бир кеча-кундузда суғорилган майдон бир вақтнинг ўзида тобга келиб, ғўза қатор ораларини бир кунда культивация қилиш мумкин бўлади.

Уч йилдан буён колхознинг ҳамма майдонларига чигит квадрат-уялаб экилмоқда. Ўтган йилга қадар чигит фақат 60х60 сантиметр схемасида экиларди. Бу йил адир ерларга чигит 60х50 сантиметр схемасида экилди. Натижада гектарларда ғўза тупларининг сони ошди. Ҳамма майдондаги ғўза икки томонлама парвариш қилинмоқда. Бир кунда 12 гектар майдондаги ғўза қатор ораларини икки томонлама культивация қилиш учун иккита чопиқ трактори керак бўлади. Бригадаларнинг деҳқонлари ҳаммасига йил бошидаёқ биттадан трактор биркитиб қўйилган эди. Лекин сувдан навбатлаб фойдаланиш усули жорий қилингач, ғўза қатор ораларини сувдан кейин культивация қилиш учун тракторларни бир ерга жамлаб ишлатиш эҳтиёжи туғилди ва тракторларнинг юқори унум билан ишлаши учун кенг имкониятлар очилди. Тракторчилар ҳам буни дарҳол пайқаб, ҳар куни 13 гектардан ҳатто ундан ҳам кўп майдондаги ғўза қатор ораларини культивация қила бошладилар.

Навбатлаб суғориш — фақат сувни тежашгагина эмас, балки тракторларнинг иш унумини ошириш учун ҳам катта дастак бўлди.

Охунбобоев номли каналдан сув ичадиган 4-зонадаги экинлар уч навбат билан суғорилди. Шунга биноан, бу зонадаги бригадалар уч группага бўлинган. Ҳар бир группада 5 та бригада бор. Ҳар бир бригада беш-олти кун мобайнида ўз майдонларидаги экинларни суғориб олди. Бу зонага ҳар 16-18 кундан кейин сув берилди.

Ўтган йил колхозда сувдан навбатлаб фойдаланиш усули экинларни иккинчи марта суғоришга киришиш даврида — июнь ойидан жорий этилди. Бу тартиб қандай натижалар берганлигини ҳозирдаёқ билиш мумкин.

Колхозда навбатлаб суғориш жорий қилинмасдан аввал ғўза 24 кунда бир марта суғорилган эди. Бу вақтда хўжаликда сув унча танқис эмас эди. Ғўзани иккинчи суғоришда эса навбатлаш усули қўлланилди. Натижада ҳамма майдондаги ғўза 20 кун ичида суғориб бўлинди ва сувнинг учдан бир қисми тежаб қолинди. **Сувдан навбатлаб фойдаланиш усули жорий қилиниши натижасида суғориш муддати 20 процент қисқарди. Сувнинг исроф бўлиши 56 процент камайди.** Шу ҳисобдан колхоз ҳар секундда 140 литр қўшимча сув ола бошлади. Бу сув билан бир кеча-кундузда тарқоқ усулда суғорилгандагига қараганда 10-12 гектар кўпроқ майдондаги экинни суғориш мумкин бўлди.

Сувдан навбатлаб фойдаланишнинг афзалликлари фақат шулардангина иборат эмас. **Энг муҳими шундаки, бригадаларда ғўзани суғоргандан кейин қатор ораларини трактор билан ўз вақтида культивация қилиш учун қулай шароит яратилди.**

Бригадаларда бир кеча-кундузда уч-тўрт гектар, 10-15 гектарли майдонларни эса уч-тўрт кунда суғорган пайтда, у майдонлар бир вақтда етилмас ва шунинг оқибатида культивация қилиш кечикиб кетарди. Бинобарин, сувнинг учдан бир қисми исроф бўлиб, ҳар суғоришда 250-300 кубометр миқдордаги сув исроф бўларди.

Сувдан навбатлаб фойдаланиш тартиби ўрнатилгач, колхоз камида 30 процент сувни тежаб қола бошлади ва бу сув билан бошқа майдонлардаги экинлар суғорилди. Колхоз ана шунинг ҳисобига ҳар гектар майдондан қарийб 8 центнердан қўшимча пахта ҳосили олди.

Хрушчев номли колхозда ўтган йил ғўза пландаги 8 марта ўрнига 6 марта суғорилди, сув танқислигига қарамай, ҳар гектар майдондан 31,9 центнердан ҳосил кўтарилди.

2. Суғоришнинг янги усули

СУВ ТАНҚИСЛИГИ пахтакорларни экинларни суғоришда янги усулларни қидириб топишга мажбур этди. Табиийки, моҳир сувчилар бу соҳада ҳам ташаббус кўрсатдилар, улар суғоришда янги усулларни жорий этишни таклиф қилдилар.

Қўрғонтепа районидаги «Совой» совхозининг ғўзани суғоришдаги янги усули Андижон областидаги хўжаликларда кенг қўлланилмоқда. Колхоз пахтакорлари ҳам совойликларнинг бу ташаббусини ўз вақтида пайқаб олишди. Илгор бригадаларда суғориш агротехникаси ўзгартирилди, сувдан тежаб-тергаб рационал фойдаланиш тадбирлари кўрила бошланди.

Ғўзани қисқа эгатлардан суғориш — деҳқончиликда янгиликдир.

Колхоз пахтакорлари ғўза узун эгатлардан суғорилганда сувга қонмайди, тупроқ яхши намланмайди, деган хулосага келдилар. Бу эса сув танқис бўлган шароитда жуда муҳимдир. Шу сабабли колхоз пахтакорлари ғўзани қисқа эгатлар олиб суғора бошладилар. Сариқ тупроқли майдонларда 100 метр узунликдаги эгатни бир меёрда суғориш учун эгатга бир кеча-кундуз сув юбориб туриш керак. **Сувчилар эгатларнинг узунлигини 40-50 метрга қисқартирдилар.** 9-бригаданинг звено бошлиғи Раҳматулла Мадраҳимов биринчи бўлиб ана шундай қилди. Натижада қисқа эгатлардаги ғўза 7 соатда суғориладиган бўлди, 100 метр узунликдаги эгатнинг ғўзасини суғориш учун илгариги 24 соат ўрнига энди 14-16 соат вақт сарфланди.

Хрушчев номли колхозда экинларни суғоришда қуйидаги график тузилган. Бир сувчи кундуз куни 1,25, тунда эса бир гектар майдондаги ғўзани суғориши керак. Луқмон Исломов бошлиқ 9- бригаданинг сувчилари бир суткалик нормани 0,7 гектар ошириб бажара бошлади. **Ғўзани калта эгатлар орқали суғориш усули жорий қилиниши натижасида сувчиларнинг меҳнат унумдорлиги 25-30 процент ошди.**

Суғоришнинг янги усули қўшимча ўқариқлар чиқаришни талаб этади. Бунинг натижасида гектарларда ғўза туплари камайиб кетмайдими? Ахир, бир гектар майдонда илгариги бир ўқариқ ўрнига иккита ўқариқ олинадику? Тажриба шуни кўрсатдики, чигит квадрат-уялаб экилгани туфайли қўшимча ўқариқлар чиқарилиши натижасида майдонларда ғўза тупларининг сони камаймайди. Колхозда ўқариқлар қатор ораларидан ўтказилиб, бирор туп экинга ҳам зарар етмайди. Ўқариқ чигит униб чиққандан сўнг махсус канавокопатель билан қазилади.

Колхознинг 4-участкасида ўрнатилган «ПГ-35Х2» маркали насос.

Колхоз сувчилари яна бир янгилик киритдилар. Илгари сув ўқариқдан бештармоққа, сўнгра эгатларга ўтарди. Натижада кўплаб сув исроф бўлар ва кўчатларнинг сони камаярди. Ҳозир колхозда сув ўқариқдан тўғри эгатларга оқизилмоқда. Бунинг натижасида меҳнат унуми анча ошди, меҳнат куни кўплаб тежаб қолинди. Сувнинг ўқариқдан эгатларга бир меёрда оқиши учун эгат бошига минерал ўғит ва заҳарли химикатлардан бўшаган ёғли қоғоз қўйилади.

Яна бир муҳим тафсилотни таъкидлаб ўтиш керак. Колхоз сувчилари эгат бошига фақат сувга чидамли қоғоз қўядилар. Колхозда эгат бошига чим босиш қатъий тақиқланган. Чунки, ажриқ томирлари сув билан эгатларга оқиб бориб, даланинг бегона ўтлар билан ифлосланишига олиб келади. Шу сабабли колхозчилар ўз тажрибаларига амал қиладилар.

Колхозда сувчиларга энг юқори, яъни 6- разряд бўйича ҳақ тўланмоқда. Суғориш нормасини бажарган сувчи 2 сўм 50 тийин олади. Бош сувчига эса бунга қўшимча равишда яна 15 процент ҳақ тўланади.

3. Хўжаликдаги йирик сув манбаи

СУВДАН навбатлаб фойдаланиш усулининг жорий қилиниши, ғўзани калта эгатлар орқали суғоришга ўтиш, суғоришдан кейин майдонларни культивация қилиш муддатининг қисқартирилиши Хрушчев номли колхоз пахтакорларига сув танқислигидан қутилишга ёрдам берди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида сув танқислиги қисман бартараф этилди-ю, лекин катта майдонлардаги экинларни сув билан тўла таъминлаш учун бу кифоя қилмас эди.

Пахтакорлар янги сув манбаларини қидира бошладилар. Зовур сувлари шу пайтгача фойдаланилмай келинган манба эди. Маълумки, экин майдонлари сунъий усулда суғориладиган ҳар бир хўжаликда суғориш каналларининг йўлдоши — зовурлар бўлади. Бу зовурлардан ер ости сувлари ва ариқлардаги ортиқча сувлар оқиб кетади.

Хрушчев номли колхозда майдонларни шўр босишдан сақлаш учун кўплаб зовурлар қазилган. Зовурлардан ёз вақтида секундига 200 литргача сув оқади. Бу сувдан ғўзани суғоришда фойдаланиш мумкин.

1961 йилда энг катта учта коллекторда «ПГ-35Х2» маркали 6 та пропеллер насос ўрнатилди. Андижондаги «Строммаш» ва Тошкентдаги механика заводлари ҳозир ана шундай насосларни кўплаб ишлаб чиқармоқда. Бу насос 2,5 метр чуқурликдаги сувни тортиб олиб, 9 метр баландликка кўтариб бера олади.

Насосларни ишга солиш учун зовур тўсилади ва тўпланган сув насос ёрдамида экинзорларга оқизилади.

Ўтган йил колхозда ҳар бир пропеллер насос билан 170 минг кубометр сув чиқарилиб, пахта далаларига жами 1 миллион кубометрдан кўпроқ сув оқизилди.

Колхозда пропеллер насослардан ташқари, ҳар бири секундига 25 литр сув чиқарадиган 10 та «Андижанец» насоси ишлаб турди. Бу енгил, тезда кўчириб, бошқа жойга ўрнатиш мумкин бўлган насослар қўшимча тарзда ишлатилди. Улар сув жуда зарур бўлган экин майдонларига ёки сув камайиб кетган коллекторларда пропеллер насослар ўрнига ўрнатилди.

1961 йилда насослар ёрдамида ҳаммаси бўлиб 1,3 миллион кубометр сув чиқарилиб, экинзорларга оқизилди. Натижада экин майдонларини сув билан таъминлаш даражаси 8,5 процент ортди.

Колхозда насослар имкониятларга қараб икки сменада ишлатилди. 40 дан ошиқ моторчи бу ишда жонбозлик кўрсатди. Моторчиларнинг деярли ҳаммаси ишлаб чиқариш таълимини ўтган, ўрта маълумотли ёшлардир.

Булоқ сувлари — иккинчи катта манбалардан бири бўлди. Секундига 7 литрча сув берадиган бу булоқлар йилнинг бошида ҳисобга ҳам олинмаган эди. Лекин ер ости сувлари ўрганилиши натижасида булоқлар тозаланиб, кўп сув чиқиши аниқланди. Чек канали ёнидаги булоқлар қазилгандан сўнг секундига 230 литргача сув бера бошлади. Натижада биринчи зонадаги экин майдонларини сув билан таъминлаш яхшиланди. Ғўза парвариши даврида булоқлардан 1,53 миллион кубометрга яқин сув олинди. Бу — колхоз бўйича сарфланган сувнинг тахминан ўн процентини ташкил этади.

Шундай қилиб колхоз зовур ва булоқлардан яхши фойдаланиш ҳисобига 2,8 миллион кубометр қўшимча сувга эга бўлди, экинларни сув билан таъминлаш 18,5 процент ошди.

4. Изланишда

КОЛХОЗ пахтакорлари сув танқислигига қарамай бу йил экин майдонларининг ҳар гектаридан камида 33 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилганлар. Бу қўшимча сув резервларини топишни талаб қилади.

Колхозда ана шундай резервлар бор. Бу, аввало, сувдан яхши фойдаланишдир. Агар ўтган йил бригадаларарo сувдан навбатлаб фойдаланиш усули ғўзани иккинчи марта суғоришга киришилганда жорий қилинган бўлса, бу йил ғўзани биринчи суғоришдаёқ янги усул жорий қилинди.

Апрель ойида колхозда бригадирлар, звено бошлиқлари ва сувчиларнинг йиғилиши ўтказилиб кўрсатмалар берилди. Ҳамма бригадаларда ғўзани 40-60 метрли калта эгатлар орқали суғоришга қарор қилинди. **Суғориш сифатини яхшилаш, ҳар бир ўсимликнинг қониб сув ичишини таъминлаш учун эгатлар 18 сантиметр чуқурликда олинади.** Чуқур эгат олиниши натижасида сув тупроққа яхши сингади, бугланиш оз бўлади, суғориш тезлашади.

Колхоз механизаторлари суғорилган майдонлар етилиши билан оқ бир кун ҳам ўтказмай культивация қиладилар. 64 чопиқ тракторининг ҳаммаси ишлаб турибди. Бу йил ҳар бир трактор билан бажариладиган иш ҳажми кўпайган бўлса ҳам, механизациялашган ишларни бажариш тезлашади. Тракторчилар ғўза қатор ораларини культивация қилганда тупроқда намнинг сақланиб қолишига алоҳида эътибор берадилар.

Сувдан кейин экин майдонларининг ўз вақтида ва юқори сифатли культивация қилиниши мўл ҳосил тўплашда асосий омилдир. Биринчи суғориш билан иккинчи суғориш орасидаги 22-25 кун ичида ҳамма майдонлар яхшилаб ишлаб қўйилади. Бу йилги шароитда суғориш ўртасидаги муддат яна беш-олти кун ортади.

Колхозда ғўза парвариши сифатли ўтказилмоқда. Культиваторларга ротацион юлдузчалар ўрнатилиши натижасида қатор оралари кенгроқ ишланяпти. Ўсимликнинг бўғизига яқин ерлар ҳам юмшатилиб кетилмоқда. Тупроқда намни кўпроқ сақлаб қолиш учун ғўза қатор оралари олдин кўндалангига, сўнгра узунасига культивация қилинмоқда.

Колхозда бир вақтда етилмайдиган участкалар ҳам бор. Тупроқнинг қотиб қолишига йўл қўймаслик учун, барвақт етилган ерларда трактор киргунга қадар от культивациясидан фойдаланилмоқда.

Хўжаликдаги ҳамма сув тармоқлари тартибга келтирилган. Бу йил ер ости сувларидан ўтган йилдагидан ҳам кўпроқ фойдаланилади. **Қиш даврида коллекторлар 3,5-4 метргача чуқур қилинган.** Натижада зовурларда кўп сизот сувлар тўпланмоқда. Дастлабки ҳисоб-китоблар бу йил зовурлардан 2 миллион кубометрга яқин сув олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. 350 гектар майдондаги экин ана шу сув билан суғорилади.

Булоқларни тозалаш, қазиш натижасида колхоз ҳар секундига қўшимча равишда яна тахминан 0,5 кибометр сув ола бошлади.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида экин майдонларини сув билан таъминлаш янада яхшиланади, ҳамма майдонларда зиммага олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган миқдорда ҳосил тўпланишига имкон туғилади.

5. Ҳар кубометр сув ҳисобига — мўл пахта

ЭКОНОМИСТЛАР бир центнер пахта етиштириш учун қанча минерал ўғит, меҳнат куни ва бошқа харажатлар сарфланганини ҳисобга оладилар. Лекин бирор колхоз экономисти шу пайтгача маълум миқдордаги ҳосилни етиштириш учун қанча сув сарфланганини ҳисобга олганини эшитганимиз йўқ. Нега? Ҳар гектар майдондан унумли фойдаланиш масаласи доим қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий ўринни эгаллайди. Хўш, ҳар бир кубометр сувдан тўғри фойдаланиш масаласи нега ҳеч кимни қизиқтирмайди? Ҳолбуки, суғориладиган ерларда мўл ҳосил етиштириш — асосан сувга боғлиқ. Ер ва сув — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаларидир.

Сув хўжалиги ходимлари сувдан фойдаланиш коэффициентини ҳисобга олиб борадилар. Бундан хўжаликка берилган сув билан амалда қанча майдон суғорилганлиги аниқланади. Сув хўжалиги ходимлари мана шу фойдаланилган сув коэффициентига қараб, суғоришнинг боришини ҳам белгиласалар бўлади-ку, ахир. Далаларни суғориш, айтайлик, 900 кубометр сув билан бир гектар ердаги тупроқни 80 сантиметр чуқурликда намлаш натижасида ўсимликнинг ривожланиши учун яхши шароит яратилди, деган сўз эмас. Ҳамма гап агротехника тадбирларининг қандай амалга оширилишида. Агар экин агротехника қоидалари асосида яхши парвариш қилинса, ғўзанинг сувдан яхши фойдаланади, агротехника қоидаларига риоя қилинмаса бу сувнинг ўсимликка фойдаси кам бўлади. Ўсимликнинг мўл ҳосил тўплаши учун сувдан қандай фойдаланилганлигини фойдаланилган сув коэффициенти билан ўлчаб бўлмайди. У билан суғориш сифатини ҳам аниқлаб бўлмайди.

Шу сабабли фойдаланилган сув коэффициентида ўсимликнинг мўл ҳосил тўплашида қанча сув ичганини белгиловчи кўрсаткич керак. **Конкрет қилиб айтганда, сарфланган ҳар бир кубометр сув ҳисобига қанча пахта етиштирилганлигини ҳисобга олиш лозим. Агрономлар, бригадирлар экиннинг неча марта суғорилганини эмас, балки суғориш сифатини, тупроқда нам сақлаб қолиш учун қандай тадбирлар амалга оширилганлигини, ҳар бир кубометр сувдан қандай фойдаланилганлигини ҳисобга олишлари керак.**

Ҳаммага аёнки, кўпчилик пахтакорларимиз кўпроқ сув олишга интиладилар-у, лекин тупроқда ўсимлик учун зарур миқдорда намни сақлаб қолишга ҳаракат қилмайдилар.

1961 йилда Хрушчев номли ва «Социализм» колхозларида сувдан қандай фойдаланилганлигини анализ қилиб кўрамиз:

Колхозлар	Пахта майдони (гектар)	Ғўзани суғоришда сувдан фойдаланиш: Ҳаммаси (миллион м³ ҳисобида)	Ғўзани суғоришда сувдан фойдаланиш: Бир гектарга (м³ ҳисобида)	Сувдан фойдаланиш коэффициенти	Гектаридан олинган ҳосил (центнер)	Бир кубометр сув ҳисобига етиштирилган пахта (грамм)
Хрушчев номли	2597	15,1	5850	0,84	31,9	545
«Социализм»	1927	14,5	7500	0,85	25,4	338

Ҳар икки колхоз бир хил об-ҳаво шароитига эга, тупроғи ҳам бир-биридан фарқ қилмайди. Икки колхозда ҳам пахта майдонларига бир хил миқдорда минерал ўғит солинган, сувдан фойдаланиш коэффициенти ҳам бир-бириникидан фарқ қилмайди. «Социализм» колхози эса сувни қўшни колхозга нисбатан ҳатто кўпроқ олган. Икки хўжалик ҳам техника билан яхши таъминланган. Лекин уларнинг хўжалик фаолияти натижалари бир-бириникидан катта фарқ қилади: Хрушчев номли колхоз сув билан ёмон таъмин этилган бўлса-да, ҳар гектар майдондан «Социализм» колхозига нисбатан 6,5 центнер кўп пахта ҳосили олди.

Бу тафовутнинг келиб чиқишига асосий сабаб — бу икки хўжаликда сувга нисбатан икки хил муносабатда бўлинганлигидир. Ҳолбуки, юқорида айтиб ўтганимиздек, бу икки хўжаликда сувдан фойдаланиш коэффициенти бир-биридан фарқ қилмайди.

Сув етарли бўлган «Социализм» колхозида кўп миқдордаги сувнинг исроф бўлиб кетишига йўл қўйилди. Суғорилган майдонлар вақтидан 4-5 кун кечиктириб культивация қилинди. Натижада тупроқдаги намнинг 25-30 проценти йўқотилди. Бунинг оқибатида колхозда суғориш нормаси амалда 5250 кубометрни ташкил этди. Бу, суғориш ва культивация ўз вақтида ҳамда сифатли ўтказилган Хрушчев номли колхоздагига нисбатан анча камдир.

«Социализм» колхозида ғўзани суғоришда агротехника қоидаларининг бузилганлиги ҳосилнинг камайиб кетишига сабаб бўлди: далалар бир меёрда, текис намланмади, ғўзаларга узун эгатлардан сув оқизилди ва бошқа хатоларга йўл қўйилди. Хўжаликда ҳар кубометр сув ҳисобига етиштирилган пахтани ҳисобга олганимизда, бу хатолар равшан кўриниб турди: Хрушчев номли колхозда бир кубометр сув ҳисобига 545 грамм пахта етиштирилган бўлса, «Социализм» колхозида 38 процент кам, яъни 338 грамм пахта етиштирилди.

Хрушчев номли колхоз пахтакорлари оз сув сарфлаган ҳолда мўл пахта ҳосили етиштиришга уринмоқдалар. Улар бир йил ғўзани 5-6 марта қондириб суғориб, сарфланган ҳар бир кубометр сув ҳисобига энг камида 600 грамм пахта етиштириш тадбирларини кўрмоқдалар.

Пахтакорлар, сув — экиннинг қони, дейишади. Қонсиз танда ҳаёт бўлмаганидек, жануб қуёши қизитиб турган ерда ҳам сувсиз ўсимлик ўсмайди. Сув — бепоён Ўрта Осиё ерларининг қонидир. Фақат сув билан бу ерларда мўл ҳосил етиштириш, унинг бағридаги чексиз бойликларни олиш мумкин. Шунинг учун, ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш билан бирга сувнинг ҳар томчисини исроф қилмаган кишинигина ҳақиқий деҳқон, ернинг чинакам эгаси дейиш мумкин. Жануб деҳқонининг усталиги, маҳоратига ҳар бир қарич ер ва ҳар томчи сувдан қандай фойдаланганлигига қараб баҳо берилади. Ҳар бир гектар ердан, ҳар бир кубометр сув ҳисобига мўл пахта ҳосили етиштириш — пахтакорларнинг жонажон ишидир.

И. ГРИГОРЬЕВ,

Андижон область, Ленин райони.

(«Сельская жизнь» газетасидан).



Колхозда ғўза янги усулда — бештармоқ олмасдан, калта эгатлар билан суғорилмоқда. Суратда: сувчи Раҳматулла МАДРАҲИМОВ.

С. Безносов фотолари.

Тошкент янгиликлари

ЯХШИ ТАДБИР

Бундан илгари Тошкент шаҳар ижроия комитетининг саноат бошқармасига қарашли бир неча корхона республика Халқ хўжалиги кенгаши ихтиёрига ўтказилган эди. Бу тадбир ижобий натижа берди. Шаҳар саноат бошқармасига қарашли корхоналардан 12 таси яқинда яна Халқ хўжалиги кенгаши қарамоғига берилди. Булар орасида тўқимачилик трикотаж, тўқимачилик-галантерия, «XVIII партсъезд» фабрикалари, 4 та тикувчилик корхонаси, резина ва металл буюмлар заводлари ва бошқа корхоналар бор.

Эндиликда бу корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, таннархини камайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда маҳсулотлар хилини кўпайтириш учун қулай шароитлар яратилади. Шу билан бирга Халқ хўжалиги кенгаши ихтиёрига ўтган корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, қўл меҳнати кўп сарфланадиган операцияларни камайтириб, ҳарбир квадрат метр ишлаб чиқариш майдонидан олинадиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, техника қувватидан тўла фойдаланиш юзасидан муҳим тадбирлар кўрилади.

СУВ СОТУВЧИ АВТОМАТЛАР

Шаҳарнинг кўпгина жойларига ўрнатилган автоматлар яхши назоратнинг йўқлиги, кишиларда автоматга мос келадиган чақа пулнинг бўлмаслиги туфайли ўтган йили ёзда яхши ишламади. Шуни назарда тутиб, «Ташлимводторг» трести бу йил муҳим тадбиларни кўрди. Ҳозир шаҳарнинг марказий кўчалари ва одамлар кўп тўпланадиган майдонларига сув сотадиган автоматлар янгича қилиб ўрнатилди. Ҳарбир автоматлар ўрнатилган жойда мева шарбатлари билан савдо қиладиган ходим ишлямоқда. У, айни вақтда ташналикни қондирувчилар учун йирик пулларни майдалаб ҳам беради. Шу билан бирга марказий жойларга ўрнатилган автоматларга механик доимий равишда қараб туради. Ҳозир шаҳарнинг 6 жойида 8 тадан сув сотадиган автоматлар ишлаб турипти. Энгельс кўчасининг Урицкий кўчаси билан кесишган жойида, Пушкин кўчасининг Ассаканский кўчаси билан кесиш жойида ва 1-Май кўчасида жойлашган меҳмонхона олдида монтаж қилинаётган автоматлар ҳам яқин кунларда ишга туширилади.

ЖИДДИЙ СИНОВ САФАРИ

Ҳамза номли Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театрининг ижодий коллективи қардош Тожикистон ССР пойтахти Душанба шаҳрига бир ойлик гастролга боради. Театр коллективи тожикистонлик дўстларимизга Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», Ойғун ва Иззат Султонларнинг «Алишер Навоий», Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», Рамз Бобожонинг «Тоға-жиянлар», Шекспирнинг «Гамлет», Гоголнинг «Ревизор», Соловьевнинг «Хўжайин» каби энг яхши саҳна асарларини кўрсатадилар. Бу спектакларда кекса театрнинг танийқи санъат усталаридан СССР халқ артистлари Шукур Бурҳонов, Сора Эшонтўраева, Олим Хўжаев, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Обид Жалилов, Амин Турдиев, Наби Раҳимов, Саъдиқон Табибуллаев, Қудрат Хўжаев, Зикир Муҳаммаджонов, Лутфулла Назруллаев Икрома Болтаева Марям Ёқубова, Зайнаб Садриева, шунингдек ёш талантли артистлардан Ойра Абдуллаева, Омон Ёқубов, Машҳура Хўжаева, Тўйқи Орипов ва бошқалар қатнашадилар.

Театр коллективи эртага сафарга жўнаб кетади.

Н. ИНОҚОВ.

Суратда: бешмиллионерчи бортмеханикни кутиб олишга бағишланган тантанали митинг. (чапдан) П. С. Козлов ва Граждан ҳаво флоти Ўзбекистон бошқармасининг бошлиғи (ўнгдан биринчи) А. Ю. Ғозиназаров ўртоқлар.

Автор фотоси.

ЕР АТРОФИДАН 125 МАРТА...

Ўзбекистон авиаторларининг шонли отряди республикада биринчи бўлиб 5 миллион километр ҳаво йўлини авариясиз учиб ўтган машҳур бортмеханик Павел Степанович Козловнинг юбилейини нишонлашди. Беш миллион километр — бу планетамизни 125 марта айланиб чиқиш деган сўз!

Энг янги ускуналар билан жиҳозланган ҳозирги замон ҳаво кораблида ишловчи бортмеханикнинг иши жуда муҳим ва масъулиятлидир. У экипаж командирининг энг биринчи жанговар ёрдамчиси ҳисобланади. Учиш топшириғининг муваффақиятли бажарилиши, ҳўл ҳавфсизлигини таъминлаш ва рейсларнинг мунтазамлиги бортмеханикнинг билими ва ишбилармондлигига боғлиқдир.

Узоқ йиллар давомида авариясиз учишни таъминлагани учун Павел Степанович Козлов Ҳурмат Белгиси ордени, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи ва тўрт марта «1.000.000 километр учгани учун» значоги билан тақдирланган.

Ҳалол меҳнат билан шоншуҳрат қозонган авиатор ўз ҳаётида унутилмас бўлиб қоладиган рейсдан қайтганида уни Граждан ҳаво флоти Ўзбекистон бошқармасининг раҳбарлари, бўлинмаларнинг командирлари, учувчилар, бортмеханиклар, штурманлар, инженер ва техниклар, жамоатчилик вакиллари қарши олдилар. Бошқарма бошлиғи, Ўзбекистон КП Марказий Комитети аъзолигига кандидат А. Ю. Ғозиназаров юбилярни ҳаётидаги муҳим воқеа — авариясиз беш миллион километр учганлиги билан қизғин табриклади ва унга «1.000.000 километр учгани учун» значогинг бешинчисини тақдим этди. Ҳозиргина рейсдан қайтиб келган самолёт олдида бошланиб кетган митингда корабль командирлари, штурманлар ва бортмеханиклар сўзга чиқиб, ўзларининг ҳамкасб дўстларини чин кўнгилдан қизғин табриклашди. Улар ўртоқ Козловга қимматли совғалар ва касбдош дўстнинг қалб рамзи — яшнаб турган гулдасталар тақдим этдилар.

Узоқ йиллар давомида ҳалол меҳнат қилиш шўҳоқар Олтой сувларида ёғоч оқизувчи бўлиб ишлаган коммунист Павел Степанович Козловни биринчи класс бортмеханик даражасига кўтарди. Авиация Козловни болаликдан мафтун этарди. У ўз умрининг 25 йилини яна шу севган касбига бағишлади.

Ўртоқ Козлов биринчилар қаторида янги техникани эгаллади. Вақт ўтган сари унинг малака ва маҳорати ошаборди.

Ёзнинг иссиқ кунларидан бирида Козлов ўз экипажи билан Москва-Тошкент рейсида навбатдаги топшириқни бажариб борарди. Кутилмаганда ўнг томондаги мотор бузилиб қолди. Оғир юк ортилган машина тез лик билан пасая бошлади, учиш борган сари қийинлаша борди. Бу хавфли аҳволдан қутилишнинг иложини топиш зарур эди. Ўртоқ Козлов жуда тез ҳаракат қилиб, двигателнинг ишламай колиш сабабини топди ва моҳирлик билан уни тузатди. Самолёт муваффақиятли равишда Тошкентга етказиб келинди. Ана шу оғир минутларда борт механикнинг тажриба ва билими жуда қўл келди.

Павел Степанович Козлов Граждан ҳаво флотининг энг йирик авиация-транспорт бўлинмаси партия ташкилотининг секретари сифатида катта жамоат иши олиб боради. Бўлима коллективининг аҳил ва иноқ ишлаши ҳамда бошқармада маяк ҳисобланишида партия ташкилотининг секретари ўртоқ Козловнинг салмоқли ҳиссаси бордир. Шуни айтиш кифояки, бу бўлимда мусобақада кетмакет икки марта биринчи ўрин ни эгаллаб, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи ҳамда Иттифоқ бўйича биринчи мукофотни олишга муваффақ бўлди.

Моҳир бортмеханик ўртоқ Козлов, Сизга ватанимизнинг мусаффо осмонида яна кўп минг километр муваффақиятли учишни тилаймиз.

М. ЗАХАРОВ.

ДИҚҚАТ, ЧИЛИ!

Бугун дунёнинг барча спорт «телескоплари» узоқ Чилига қаратилган. Бу ерда жаҳон спорти ҳаётида энг катта воқеа — тўрт йилда бир марта ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионати бошланади. Дунёнинг сараланган 16 терма командаси «Олтин маъбуда» кубогини олиш учун куч синашади. Булар Англия, Аргентина, Болгария, Бразилия, Венгрия, Испания, Италия, Колумбия, Мексика, Совет Иттифоқи, Уругвай, Германия Федератив Республикаси, Чехословакия, Чили, Швейцария ва Югославия командаларидир.

Жаҳоннинг энг кучли футбол мамлакати ким бўларкин? Нархи 10 минг доллар баҳоланган, 1 килограмм-у 800 грамм соф олтиндан қуйилган Кубокни қайси мамлакат йигитлари олиб кетаркин?

Швеция турнирининг голиби бразилияликлар чемпионликни қўлдан бермайміз, деб дангал айтишяпти. Айни чоғда улар СССР терма командасининг куч-қудратини тан олишяпти, футболчиларимизга энг ҳавфли рақиб деб баҳо беришяпти. Улар, финалда Бразилия ва СССР учрашади, лекин бу учрашув жанубий американликларнинг ғалабаси билан тугайди, «қизил»лар жуда борса вице-чемпион бўлади, деб олдиндан каромат қилишяпти.

Икки мартадан жаҳон чемпиони бўлган Уругвай ва Италия эса учинчи марта энг кучли команда деган номга эга бўлишга ва бинобарин олтин Кубокни абадий олиб кетишга қаттиқ аҳд қилишган. Бу турнирдан майдон эгалари — Чили футболчиларининг ҳам, Жанубий Америка қитъаси чемпиони Аргентина командасининг ҳам, футболнинг ватани Англиянинг ҳам умиди катта.

СССР терма командаси бу сафар жаҳон биринчилигига пухта тайёрланди. Командамиз 1958 йилдагига қараганда анча кучли. Европа кубогини қўлга киритган, биринчи марта боришига қарамай Жанубий Американинг кўзга кўринган футбол мамлакатларини ўтган йил кузда енгиб келган, бу йил бирон марта ҳам мағлубиятга учрамаган совет футболчилари мамлакатимиз спорт байроғини янада баланд кўтарадилар, деб ишонч билдириш мумкин.

Совет футболи шарафини ҳимоя қилиш дарвозабонлар Л. Яшин, В. Маслаченко, С. Котрикадзе, ҳимоячилар Э. Дубинский, А. Масленкин, А. Шестернев, Г. Чохели, Л. Островский, ярим ҳимоячилар В. Воронин, И. Сабо, И. Нетто, Н. Маношин, ҳужумчилар С. Метревели, И. Численко, В. Иванов, В. Серебряников, В. Понедельник, В. Каневский, А. Мамикин, Г. Гусаров, М. Месхи, Г. Хусаиновларга топширилган.

Футболчиларимиз учун биринчи синов эртага 31 майда бўлади. Командамиз Югославия спортчилари билан учрашади. Сўнгра 3 июнда Колумбия билан ва 6 июнда Уругвай билан матч ўтказади.

Командамиз бу учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, ўз группасида 1 ёки 2-ўринни олса, чорак финалга чиқади. Чорак финалдан сўнг ярим финал мусобақалари бошланади. Финал матчи 17 июнга белгиланган. Шу куни янги жаҳон чемпиони дунёга маълум бўлади.

Халқаро аҳвол

ЗЎР ҚИЗИҚИШ

ТОКИО, 27 май. (ТАСС). Жаҳонда биринчи совет космонавт учувчиси Япония шаҳарлари бўйлаб қилган сафаридан кейин бугун Токиога қайтиб келди ва кунинг иккинчи ярмида Япония ёшларининг вакиллари билан учрашди. Пойтахт залларидан бирида Ю. А. Гагарин билан бўлган бу учрашувда демократик ёшлар союзининг, социалистик ёшлар союзининг ва мамлакатдаги бошқа кўпгина ёшлар ташкилотларининг уч мингга яқин активлари қатнашдилар. Уларнинг кўпи совет космонавтининг Японияда бўлиши программасида бориш кўзда тутилмаган узоқ шаҳар ва қишлоқлардан келди. Япония ёшлари совет халқининг фан ва техникани тинчлик ва бутун инсониятнинг равнақи йўлида ривожлантириш соҳасида эришган буюк ютуқларидан қойил қолганликларини изҳор қилдилар.

Ю. А. Гагарин ва унинг рафиқаси бугун кечқурун Совет Иттифоқининг Японияда ги элчихонасида бўлдилар, социалистик мамлакатларнинг Япониядаги элчихоналари дипломатик ходимлари ва хизматчилари билан учрашдилар.

АНТИКОММУНИСТИК ҚОНУН ПРОЕКТИ РАД ЭТИЛДИ

КАРАКАС, 27 май. (ТАСС). Венесуэла парламентининг депутатлар палатаси Венесуэла Коммунистик партиясининг ва «Сўллар революцион ҳаракати» партиясининг фаолиятини тақиқлаш тўғрисида ҳукумат тақдим этган декрет проектини кўпчилик овоз билан рад этди.

«Ижроия ҳокимиятига сиёсий партияларнинг фаолиятини тақиқлаш ҳуқуқини берадиган модда конституцияда ҳам, республиканинг бирор қонунида ҳам йўқ, — дейилади палата қабул қилган қарорда. — Депутатлар палатаси бу чора ҳозирги ҳукуматга нисбатан оппозицияда бўлган сиёсий кучлар учун хавф туғдиради, деб ҳисоблайди».

ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ XI СЪЕЗДИ ТАМОМ БЎЛДИ

БЕЛФАСТ, 28 май. (ТАСС). Бу ерда Шимолий Ирландия Компартиясининг XI съезди ёпилди. Съезднинг охирги мажлисида делегатлар партия уставига киритиладиган қўшимчаларни муҳокома қилдилар ва қабул этдилар. Шундан кейин съезд ижроия комитет аъзоси Сомерсетнинг партиянинг кейинги съездидан буён ўтган даврнинг ичида партия ижроия комитетининг амалий иши тўғрисидаги докладини тинглади. Докладчи 81 мамлакат коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашининг ишида ва КПСС тарихий XXII съездида Шимолий Ирландия Компартияси делегациясининг иштирокига алоҳида тўхталиб ўтди.

Съезд делегатлари ижроия комитетнинг сиёсий докладини ва меҳнаткашларнинг социал талаблари учун курашда партиянинг вазифаларини маъқуллади л а р, партиянинг программасини, молиявий ҳисоботни ва ижроия комитетнинг амалий иши тўғрисидаги докладни тасдиқладилар.

Партия ижроия комитети янги составини сайлаш натижалари эълон қилинди. Э. Барр, Х. Мур, Ж. Стьюарт, У. Маккуллок, С. Морриси, Ж. Грэхем ва бошқалар бўлиб жами ўн беш киши ижроия комитет аъзолари қилиб сайланди.

2 МИЛЛИОН БАТРАК ЗАБАСТОВКАСИ

РИМ, 28 май. (ТАСС). Италия қишлоқлари нотинч. Мамлакатдаги барча касаба союз марказлари — Италия умумий меҳнат конфедерацияси. Италия меҳнаткашлар касаба союзлари конфедерацияси ва Италия меҳнат союзининг яқинда чақиригича мувофиқ, 2 миллион батрак ва қишлоқ хўжалик ишчилари бугун 48 соатлик умуммиллий забастовка бошладилар. Улар ўз меҳнатларига тўланадиган ҳақнинг оширилишини кўзда тутадиган янги коллектив меҳнат шартномаси тузилишини талаб қилмоқдалар. Айни вақтда бу ерсиз деҳқонлар кенг кўламда аграр реформа ўтказилиши ҳамда ернинг уни ишловчиларга берилиши учун курашмоқдалар.

Бугун бошланган умуммилий забастовкадан олдин батраклар ва қишлоқ хўжалик ишчилари узоқ вақт кураш олиб борган эдилар. Бу кураш давомида Италиянинг айрим вилоятлари ва областларида бир неча ўнлаб кучли забастовкалар бўлиб ўтди.

Телеграф хабар қилади

✦ **Варшавадаги В. И. Ленин музейида почта маркаларининг халқаро виставкаси очилди. Виставка «Ленин ва унинг иделлари» деган темага бағишланган. Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Мўғулистон, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакияда чиқарилган бир миллионга яқин марка виставкага қўйилган.**

✦ **Нигер демократик ёшлар союзи бош секретари Дауд Ардалининг ёвузларча ўлдирилганлиги муносабати билан, Жаҳон демократик ёшлар федерацияси баёнот эълон қилиб, Нигер халқига ва бутун Африка ёшларига таъзия изҳор қилди ҳамда жаҳондаги барча демократик ёшлар улар билан бирдам эканлигини яна билдирди.**

✦ **Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, салазарчилар охранкаси Португалия Коммунистик партиясининг бир неча таниқли арбобини қамоққа олган. Қамоққа олинганлар орасида Марказий Комитет аъзоси Магро (Лиссабон), Жоао Антонио Онрадо ва Феррейра Линдольфо (Бейра округларининг партия ташкилоти)лар бор.**

✦ **Наталь университетининг 300 га яқин студенти (Жанубий Африка Республикаси) иркчи Фервурд ҳукуматининг реакцион қонун проектини парламентда қабул қилдириш мақсадидаги уринишларига қарши норозилик намойиши ўтказдилар. Бу қонун проектига мувофиқ, Жанубий Африка Иттифоқида «қўпорувчилик фаолияти» ўлим жазоси билан жазоланади. Студентлар «Бирлашингиз ва реакцион қонун проектига қарши курашингиз! Фашизмга йўл йўқ!» деб ёзилган плакатларни кўтариб бордилар.**

✦ **Ғарбий Германиядаги сиёсий судлар ўтган йил сентябрь ойидан шу йил февраль ойигача ўтган вақт ичидагина атом билан қуролланишга қарши чиқувчилар устидан 129 суд процесси ўтказдилар. Судлар уларни жамъи 1340 ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилдилар.**

✦ **27 майда Кюсю ороли қирғоқлари ёнида бўрон вақтида Япониянинг балиқ овлаш кемаси ағдарилди ва ғарқ бўлди. Кюда Цусин агентлигининг хабар беришича, 16 кишидан иборат экипаж аъзоларидан ҳеч кимни қутқазишнинг иложи бўлмаган.**

✦ **АҚШнинг Тинч океандаги қуруқликдаги кучлари қўмондони генерал Жеймс Коллинс Бангкокка келди. У Таиландда тўрт кун бўлади. «Бангкок уорлд» газетасининг хабар беришича, у Таиланд бўйлаб инспекция сафари қилади. (ТАСС).**

Яхши ният миссияси

ДАГОМЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДАН МЕҲМОНЛАР

МОСКВА, 28 май. (ТАСС). Дагомея Республикасининг яхши ният миссияси бугун Москвага келди. Унга Республиканинг вице-президенти Суру-Миган Апити бошчилик қилмоқда. Миссия составида ички ишлар ва мудофаа министри Мама Аруна, қишлоқ хўжалиги ва кооперация министри Александр Аданде, Миллат мажлиси депутати Саломон Жильбер Шодатон, вице-президентнинг техника маслаҳатчиси Пьер Акеке бор. Африкадаги ёш республиканинг вакиллари СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Н. Органовнинг меҳмонидирлар.

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети барча депутатларга маълум қиладики, шу йил 4 июнда шаҳар Советининг бешинчи сессияси бўлади.

Сессия кундуз соат 4 да меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг мажлислар залида (Пролетар кўчаси, 6) бўлади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ИЖРОКОМИ.

Телевизор

30 МАЙ

Рус тилида: 18.30 — Звёздочка (телевизион журнал), 19.10 — Телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 19.25 — Ўзбек шоирлари Қозоғистонда бўлиб ўтган декада ҳақида, 19.45. — Телевизион янгиликлар, 20.00 — Суғориш каналларида фильтрацияга қарши кураш (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

Рус тилида: 20.30 — Опа-сингиллар (бадиий фильм).

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР (ёзги бинода) — 30/V да **Тошболта ошиқ**, 31/V да **Уч баҳодир.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Жўшқин йиллар (кенг экранли фильм) — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Актёр Иоллер — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Истиқбол йўли — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да, ўзбек тилида), «СПУТНИК» (тоқ соатларда, рус тилида).

Ғурурли Лойза — «ИСКРА» (кундуз соат 4-20 минутгача ва кеч 9 дан ҳамма залларда).

Пласа Уинкуль — «ИСКРА» (кеч соат 5 дан кеч 8-20 минутгача).

Алёнка — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10 яримда бошланади)

Саёқ — «ОКТЯБРЬ».

Истиқбол йўли — «ВАТАН» (ўзбек тилида), НАВОИЙ номли ТЕЛЬМАН номли, «УДАРНИК».

Пласа Уинкуль — «ФЕСТИВАЛЬ».

Салбчилар (1 ва 2-серия) — КАФАНОВ номли.

Номаълум гов — «ПАХТАКОР», «ПОБЕДА».

Она касами — ПУШКИН номли.

Ғурурли Лойза — «ШАРҚ».

Редактор ўринбосари И. СУЛАЙМОНОВ.

УРИБ ҚОЛАР ВА ЮЛИБ ҚОЛАРЛАР ҲАҚИДА

Тошкент ҳақиқати"нинг рейд бригадаси

Магазин хизматидан ҳамма ҳам фойдаланади. Айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириб туради. Кишилар кунлик рўзғор учун энг зарур нарсаларни «гир» этиб магазиндан олиб келишга одатланиб қолишган.

Шунинг учун ҳам ана шундай савдо тармоқларини тобора кўпайтириш, уларни кенг истеъмол товарлари билан мунтазам таъминлаш юзасидан барча чоралар кўрилаётир. Обод пойтахтимизнинг серқатнов кўчаларида, хиёбон ва майдонлар атрофида, маҳаллаларда ҳамда аҳоли яшайдиган бошқа жойларда турли савдо шохобчалари билан бирга кўплаб озиқ-овқат магазинлари меҳнаткашлар хизматида. Ана шу магазинлардаги хилма-хил маҳсулотлар тўкинчилик ва мўл-кўлчиликдан нишонадир. Меҳнаткашлар маиший турмушини кун сайин яхшилаш тўғрисида қилинаётган гамхўрликнинг яққол далилидир.

Шунга қараб харидорларнинг дид ва талаблари ҳам ўсмоқда. Улар ўнни кўриб бирини ганлаб оладилар. Кўнгилларига ёқадиганини бир ердан тополмасалар бошқа ердан излайдилар.

Харидорларнинг талаб ва эҳтиёжлари билан ҳисоблашиш, уларга намунали хизмат қилиш савдо ходимлари зиммасидаги ғоят масъулиятли ва шарафли вазифадир.

Ўзининг ана шу бурчини садоқат билан ўтаётган, аҳолига ҳалол ва маданий хизмат кўрсатаётган савдо ходимлари бизда оз эмас. Октябрь райпишчеторгига қарашли 100-магазин коллективининг хизматидан кўпчилик хурсанд. З. Самиғжонов мудирлик қилаётган бу магазин коллективи ўзининг юксак маданияти ҳалол хизмати туфайли харидорлар эътиборини қозонган. 30 кишидан иборат бу аҳил оила шу кеча-кундузда коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун астойдил интилмоқда. Ёки шу пишчеторгнинг Т. Хўжаев бошлиқ 16-магазинига кириб кўринг, қувонасиз. Харид қиладиган ҳар бир товарнинг нархи ёзиб, тартиб билан териб қўйилган. Ҳаммаёқ саромжон-саришта. Шунингдек Богдан Хмельницкий кўчасидаги 4 гастроном, Куйбишев райпишчеторгига қарашли 38-магазиннинг иши ҳам мақтовга сазовордир.

Кошки эди, шаҳардаги ҳамма магазинларни ҳам ана шундай деб айта олсак. Лекин афсуски, ҳикоямизнинг давоми магазинлардаги айрим эгри қўллар — шайтонга фириб берувчи уриб қолар, юлиб қоларлар устида боради.

Шуниси ачинарлики, яқинда текширилган магазинларнинг деярли кўпчилигида савдо қоидаларининг қўпол равишда бузилаётгани, харидорларни ранжитаётган кўнгилсиз воқеаларга дуч келдик. Айниқса Киров райпишчеторгига қарашли кўпгина озиқ-овқат магазинларида олғирлар кўп экан. Улар ҳам тийиндан, ҳам тарозидан уришда ҳар қандай фокусчини бир чўқишда қочирадиган даражага етишипти.

Қуруқ сўз қулоққа ёқмагани учун лўнда-лўнда фактлар билан таништирамиз. Туркқўрғон кўчасига жойлашган 21-магазиндаги гастрономия бўлимида сотувчи Родина ўрнига савдо қилган фасовкачи Торшина бир зумда харидорга сотган 250 грамм сариғ ёғдан 5 грамм уриб қолди. 200 грамм деб берган «Чорно-смородина» конфети эса 195 грамм чиқди. Магазинда тартиб йўқ. Совун, горчица ва оққанд каби товарларнинг нархлари кўрсатилмаган. Энгельс кўчасидаги 10-магазин сотувчиси А. Асомов 4-5 граммга қаноат қилмайдиган хилидан экан. Инсофни қарангки, бир килограмм шакардан 15 грамм, 500 грамм парвардадан эса 10 грамм кам тортиб берди. Сабабини сўрасангиз баҳона нақд: «пасанги қўйишни унутибман...».

Энгельс кўчасидаги 2-магазинда савдо қоидасини бузишнинг истаган формасини учратиш мумкин. Сотувчи Йўлдошев 700 грамм «Озеро Рица» конфетидан 5 грамм уриб қолганидан кўнгли тўлмади шекилли, 400 грамм «Мемтопольская» карамелидан ҳам 15 грамм уриб қолди. унинг тарозуси ўз фойдасига 5 грамм ишлаб берарркан. Сотувчи Умарова эса ўз тарозусини 10 граммдан кам тортишга «ўргатиб» қўйибди. Бу магазинда таклиф ва шикоятлар дафтарини сўрасангиз унинг қаерда эканлигини сотувчиларнинг ўзлари ҳам билишмайди. Бунинг устига прилавка остидан очиб сотилаётган «яримта»лик чиқиб қолса бўладими!

29-магазиндаги аҳвол ҳам бундан қолишмайди. Магазин филиалининг сотувчиси Г. Григорьянц қоидага хилоф равишда ароқ ва винони очиб сотади. Бунинг сабаби равшан: икки баравар фойда қилиши турган гап. Магазинда «Столичная» ароғи ва ромни витринага қўймай беркитиб қўйилгани бечиз эмас. Санитария ҳолатининг ёмонлигига тўхтаб ўтирмаймиз. Сотувчи Аҳмедовнинг эгнидаги кир халатни кўрсангиз таъбингиз ғаш бўлади.

Обуховск сквеpидаги 32-магазинда ҳам баъзи товарларни яшириб сотишга ўрганиб қолишган. Бўлмаса ром, шампан виноси, мураббо каби товарлар савдога қўйилмагани ҳолда прилавка остида ётармиди!

24-магазин мудири Х. Рахимова фасовкачи Е. Потемкинага савдо қилишни топширди. Бу хоним эса шу заҳоти жиноятга қўл урди: бир пастда ярим литр вино ва ярим литр ароқ сотдию, 21 тийин шилиб қолди. 1-магазиндаги тарозу сотувчи Шулег фойдасига 15 грамм ишлаб беришига энди таажжубланманг. Буниси ҳам майлия, сотиш учун пакетга солиб тортиб тайёрлаб қўйилган 1 килограммлик макароннинг ҳар бир пакетидан 5 граммдан 20 граммгача кам келганига нима дейсиз. Бу ерда номус ва виждонни ҳам сотиб юборишганга ўхшайди.

Келинг, бундай дилни сиёҳ қиладиган фактларни санашни тўхтатиб қўяқолайлик.

Кам тортиб бериш, тийиндан уриб қолиш юқоридаги каби сотувчиларга теккан «касал», қўшимча даромад манбаъидир. Ахир тийинлардан сўмлар пайдо бўлиши, граммлар замирида эса килограммлар ҳосил бўлиши ҳаммага аён-ку! Бунинг устига ўзаро «узат-узат».

Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Бир тийин ҳам, бир грамм ҳам харидорнинг ҳалол ҳақи. Уни юлиб қолаётган прилавка орқасидаги баъзи текинхўрларнинг қилмишларини давлат ва халқни алдашдан иборат оғир жиноят деб баҳолаш керак.

Юмшоқ супургидай мулойимлашиб, кўзни бақрайтириб туриб харидорнинг пешона тери билан топган ҳақига чанг солаётган, уни икки томонлама тоблайдиган бундай ўғрилар халқ нафратига сазовор кишилардир. Улар прилавка орқасида туриб тома-тома кўл қилаётган киши билмас текинхўрлардир.

Куйбишев райпишчеторгига қарашли баъзи магазинларда ўтказилган текшириш натижаларини батафсил ёзиб ўтирмаймиз. Қисқа қилиб уларда ҳам юқоридаги каби фактларни учратдик дейиш билан кифояланмоқчимиз. Торг раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олурлар деган умиддамиз.

Фрунзе райпишчеторгининг кўпгина савдо тармоқлари ҳам ўтган ойларда жамоатчилик вакиллари иштирокида текширилди. Ўша жойларнинг деярли ҳаммасида совет савдо қоидаларининг бузилишидан иборат жуда кўп камчилик ва нуқсонлар аниқланган.

Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни эътироф қилиб шундай хулосага келиш керакки, шаҳардаги кўпчилик савдо тармоқлари ҳали талабга тўла жавоб бермайди. Магазинларда эгри қўллар ҳозир ҳам учраб туради. Ана шундай нопок сотувчилар жиноят устида қўлга тушганларида бўлмагур баҳоналар билан ўзларини оқлашга уринмоқчи бўляптилар, лекин «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас». Тарозудан ёки тийиндан уриб қолишга ўрганиб қолган қўллар ўз ҳунарини ишга солаверади.

Бирининки мингга, деганларидек хиёнат қилаётган айрим муттаҳамларнинг касри ҳалол ишлаётган бошқа савдо ходимларининг шаънига ҳам доғ туширимоқда. Кўпчиликда «савдо ходимлари ундай, савдо ходимлари бундай» деган нотўғри хулоса чиқаришга сабаб бўлмоқда.

Шаҳар савдо тармоқларида, айниқса озиқ-овқат магазинларида тарозуларни тўғри ишлатмаслик, қонунсиз, яъни муддати ўтган тошлардан фойдаланиш, баъзи товарларни прилавка остига яшириб қўйиш ҳоллари айниқса кўпроқ учрайди. Шунингдек барча товарларнинг нархларини ёзиб қўйиш, сотувчиларни етарли миқдорда танга-чақалар билан таъминлаш, санитария қоидаларига тўла риоя қилиш ва харидорларга маданий хизмат қилишга етарли аҳамият берилмайди.

Бу эса шаҳар савдо бошқармаси раҳбарларининг пойтахтимиздаги озиқ-овқат маҳсулотлари магазинлари иши устидан назоратни сусайтириб юборгани, магазинларни шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб олган айрим инсофсиз текинтомоқларга қарши кескин курашмаётганининг натижасидир. Текширишлар ўтказиб турилади, камчилик ва нуқсонлар, айрим жойларда жиноятлар фош қилинади. Бироқ шаҳар савдо бошқармасининг раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ М. Ортиқхўжаев) айбдорларга нисбатан ҳамма вақт ҳам кескин чора кўраётирлар деб бўлмайди.

Биз ҳали текшарув натижаларининг ҳаммасини бу мақолада ифода қилолганимиз йўқ, албатта. Ҳали айтилмаган гаплар кўп. Лекин эндигисини шаҳар савдо бошқармасидан эшитсак яхшироқ бўларди. Бўлмасам, энди сўз шаҳар савдо бошқармасининг бошлиғи ўртоқ М. Ортиқхўжаевга.

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ва Тошкент шаҳар ишчи-мухбирлар университети тингловчиларининг коллектив рейди. Рейдда ҳаммаси бўлиб 40 киши қатнашди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 30 МАЙ, 1962 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786, Секретариат — 34808, 31936. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 25885. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 02153. Нашр. Г. — 1602.